

2  
A 59



# Исломнинг беш устуни

# ҲАЖ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

А. АЛЛОҚУЛОВ

**ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ:**

# ХАЖ



Тошкент ислом университети  
нашиёт-матбаа биринчимаси

MUHAMMAD AL-KURAZMIY NOMIDAGI  
Toshkent - TOSHKENT Axborot  
TEKNOLOGIYALARI UNIVERSITETI

398 dd 4

Axborot-Resurs Markaz

УЎК: 28-57(532)

КБК: 86.38

А 51

Аллақулов, А.

Исломнинг беш устуни: ҳаж [Матн] / А. Аллақулов. - Тошкент : Тошкент ислом университети, 2017. - 112 б.

КБК: 86.38

*Масъул мухаррир:*

*Ж.Нажмидинов – Исломишунослик  
шумий-тадқиқот маркази директори в.б.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўймитанинг 5025-сонли холосаси асосида нашрга тавсия этилди:*

ISBN 978-9943-4962-4-8

© Тошкент ислом университети  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017.

## *Бисмиллаҳир роҳманир роҳим*

Бандаларига умрида бир маротаба ҳаж қилишни фарз қилган ва исталган пайтда умра ибодатини бажаришни суннат қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин.

Расууллоҳга (соллаллоҳу алайҳи вассаллам), у зотнинг оиласлари ва асҳобларига кўплаб салавоту саломлар бўлсин.

### **I. ҲАЖНИНГ ФАЗИЛАТИ ВА ИСЛОМ ДИНИДА ТУТГАН ЎРНИ**

#### **“ҲАЖ”НИНГ ТАЪРИФИ**

“Ҳаж” сўзининг лугавий маъноси улуғ ишга бел боғлашдир. Мазкур фикр “Дуррул мухтор” китобида ҳам қўллаб-қувватланган. “Нихоя” китобида: “ҳаж” ҳар қандай нарсага қасд қилиш”, – дейилган.

Шаръий истилоҳда “ҳаж” сўзи “Байтуллоҳга махсус сифат, махсус вақт ва махсус шартлар билан бел боғлаш” деган маънони англатади.

### **ҲАЖ ИБОДАТИНИНГ ИСЛОМ ДИНИДА ТУТГАН ЎРНИ**

Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) қўйидаги ҳадисда таъкидлаганидек, ҳаж ибодати исломнинг беш устунидан бири ҳисобланади:

حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُوسَى قَالَ: أَخْبَرَنَا حَنْظَلَةُ بْنُ أَبِي سُفْيَانَ، عَنْ عِكْرِمَةَ بْنِ خَالِدٍ، عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «بُتْيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامُ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءُ الزَّكَاةِ، وَالْحَجَّ، وَصَوْمُ رَمَضَانَ»

Ибн Умар (розияллоху анху)дан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи вассаллам): “Ислом беш нарса устига бино қилинган: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир”, деб гувоҳлик бериш, намозни тўкис адо этиш, закот бериш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш”, – дедилар”. (Имом Бухорий ривояти)

Ҳаж ҳижрий тўққизинчи йилнинг охирларида Қуръони карим, ҳадиси шариф ва уммат ижмоси билан фарз бўлган. Жумладан, Аллоҳ таоло шундай деган:

وَإِنَّمَا عَلَى النَّاسِ جُجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا

“Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир”. (Оли Имрон сураси 97-оят)

Бошқа ояти каримада эса шундай дейилган:

وَأَذْنَ فِي النَّاسِ بِالْحَجَّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَغَلَى كُلُّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِنْ كُلِّ فَجَّ عَمِيقٍ.

“Одамлар орасида (юриб, уларни) ҳажга чорлагин: улар сен сари пиёда ва ҳар қандай тұяды узок йүллардан келурлар”. (Ҳаж сураси 27-оят)

Ҳажс ибодати умрда бир маротаба фарз эканига қуийидаги ҳадиси шариф ҳам дағолат қиласы:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: خَطَبَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ فَرَضَ اللَّهُ عَلَيْكُمُ الْحَجَّ فَخُجُوا فَقَالَ رَجُلٌ: أَكُلُّ عَامَ يَا رَسُولَ اللَّهِ فَسَكَتَ حَتَّى قَالَهَا ثَلَاثَةً فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَوْ قُلْتُ نَعَمْ لَوْ جَبَتْ وَلَمَا اسْتَطَعْتُمْ ثُمَّ قَالَ: ذَرُونِي مَا تَرَكْتُكُمْ فَإِنَّمَا هَلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ بِكَثْرَةِ سُؤَالِهِمْ وَأَخْتِلَافِهِمْ عَلَى أَنْبِيَائِهِمْ فَإِذَا أَمْرَتُكُمْ بِشَيْءٍ فَأَتُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ وَإِذَا نَهَيْتُكُمْ عَنْ شَيْءٍ فَدَعُوهُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالْنسَائِيُّ وَالتَّرمِذِيُّ

Абу Ҳурайра (розияллоху анху)дан ривоят қиласынади:

“Расулуллох (соллаллоху алайхи вассаллам) бизга хутба қилиб:

“Эй одамлар! Аллох сизларға ҳажни фарз қилди. Ҳаж қилинглар!” – дедилар.

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

Шундай бир киши: “Ҳар йилими, эй Аллоҳнинг Расули!” – деди.

У зот ўша гапни уч марта айтгунча жим турдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи васаллам): “Ҳа, десам вожиб бўлиб қолар эди ва қодир бўлмас эдингиз. Мен сизни тарк қилган нарсада мени сиз тек қўйинг. Албатта, сиздан олдин ўтганлар саволларининг кўплиги ва анбиёларига ихтилоф қилганлари туфайли ҳалок бўлганлар. Қачон сизга бир ишни амр қилсам, уни қудратингиз етганича қилинг. Қачон сизни бир нарсадан наҳий қилсам, уни тарк қилинг”, – дедилар”. (Муслим, Насайй ва Термизий ривоят қилишган)

Абу Ҳанифа, Абу Юсуф (раҳматуллоҳи алайҳ)лардан етиб келган ривоятга кўра, барча имкониятлари бўлган киши умрида бир маротаба ҳаж қилиши фарз. Шарт-шароит ва имкониятлар топилгандан кейин ҳам ҳаж ибодатини пайсалга солиб, ортга сурган киши гуноҳкор бўлади.

## **ҲАЖНИНГ ФАЗИЛАТИ**

Ҳаж – ислом динининг муҳим фарзи ҳамда севимли ибодатларидан. Унга алоҳида эътибор бериб, холисона адо этганларга Аллоҳ таоло томонидан беҳисоб ажру савоблар ваъда қилинган бўлса, унга бепарволик қилган

кишиларга ҳадисларда огохлантиришлар келган.

Имом Табароний (раҳматуллоҳи алайх) “Муъжамул қабир” асарида ҳаж ибодатини бажаришга чоғланган кишиларга бериладиган мукофот ҳақида күйидаги ҳадисни келтирган:

عَنْ أَبِي ذِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”إِذَا خَرَجَ الْحَاجُ مِنْ أَهْلِهِ فَسَارَ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ أَوْ ثَلَاثَ لَيَالٍ خَرَجَ مِنْ ذُنُوبِهِ كَيْفُومْ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ، وَكَانَ سَائِرُ أَيَّامِهِ  
”درجات“

Абу Зарр Ғифорий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи вассаллам) шундай дедилар:

“Хожи ўз аҳлидан чиқиб, уч кун ёки уч кеча юрса, гуноҳларидан онасидан янги туғилгандек пок бўлиб чиқур. (Ундан кейинги) қолган кунларда мартабаси юқори бўлади”. (Байҳақий ривояти)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ حَجَّ هَذَا الْبَيْتَ فَلَمْ يَزْفَثْ وَلَمْ يَفْسُقْ رَجَعَ كَمَا وَلَدَتْهُ أُمُّهُ

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Ким бу байтни ҳаж қилиб, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, онаси туққан кундек бўлиб қайтади”, – дедилар”. (*Бухорий ривояти*)

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، أَنَّهُ قَالَ لِتَبَّاعِيهِ: اخْرُجُوا حَاجِينَ مِنْ مَكَّةَ مُشَاءً، فَإِنَّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ لِلْحَاجِ الرَّاكِبَ بِكُلِّ خُطْوَةٍ تَخْطُوْهَا رَاحِلَتَهُ سَبْعِينَ حَسَنَةً، وَلِلْمَاشِيِّ بِكُلِّ خُطْوَةٍ يَخْطُوْهَا سَبْعُمِائَةٍ حَسَنَةً

*Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:*

“Абдуллоҳ иби Аббос (розияллоҳу анҳу) ўз ўғилларига: “Маккадан (*Арафотга*) пиёда ҳаж қилишга чиқинглар. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг “(*Маккадан Арафотгача уловда борган*) уловлик ҳожи учун улови босган ҳар қадамга етмишта ҳасанот, (*Маккадан Арафотгача пиёда ҳаж қилган*) пиёданинг ҳар қадамига эса етти юзта ҳасанот бўлади” деяётганларини эшитганман”, – деди”. (*Муъжамул кабир*)

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَرْفَعُهُ قَالَ: ”مَا أَمْرَرَ حَاجُّ قَطُّ، فَقَبِيلَ لِجَابِرٍ: مَا الْمَعَارُ؟ قَالَ: مَا افْتَقَرَ

*Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анху)дан марфу тарзда ривоят қилинади:*

“Хожи ҳаргиз имъор бўлмас“, – дедилар. Жобирга “Имъор нима?” – дейилди. У: “Фақир бўлмайди”, – деди”. (*Байҳақий ривояти*)

Имом Ҳоким (раҳматуллоҳи алайҳ) “Мустадраку Ҳоким” китобида, Имом Абу Бакр Байҳақий (раҳматуллоҳи алайҳ) “Шуаъбул имон” асарида қуйидаги ҳадисни саҳиҳ санад билан накл қилган:

عَنْ زَادَانَ قَالَ: مَرْضَى ابْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا مَرْضَا  
فَدَعَاهُ وَلَدَهُ فَجَمَعُهُمْ فَقَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ  
يَقُولُ: ”مَنْ حَجَّ مِنْ مَكَّةَ مَا شِئْنَا حَتَّى يَرْجِعَ إِلَى مَكَّةَ كَتَبَ اللَّهُ  
لَهُ بِكُلِّ خَطْوَةٍ سَبْعَمِائَةٍ حَسَنَةٍ كُلُّ حَسَنَةٍ مِثْلُ حَسَنَاتِ الْحَرَمِ  
قَبْلٍ وَمَا حَسَنَاتُ الْحَرَمِ قَالَ ”بِكُلِّ حَسَنَةٍ مِائَةُ أَلْفٍ حَسَنَةٍ“

*Зозон (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади:*

“Ибн Аббос (розияллоҳу анхумо) қаттиқ касал бўлиб қолганида фарзандини чақириб, уларни жамлаб шундай деди: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) нинг шундай деяётганларини эшитганман: “Ким Маккадан пиёда ҳаж қилса, Маккага қайтунича Аллоҳ унинг (босган) ҳар қадамига етти юзта ҳасана ёзди. Ҳар бир

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

ҳасана ҳарам ҳасанотлари мисличадир”. “Ҳарам ҳасанотлари нима?” – дейилди. У зот: “Ҳар бир ҳасана эвазига юз минг ҳасана бордир”, – дедилар”. (Ҳоким, Байҳақий ривояти)

Юз мингни етти юзга кўпайтирилса, етмиш миллион бўлади. Бинобарин, Маккадан Арафотгача пиёда юриб ҳаж қилинса, ҳар бир босилган қадамга етмиш миллион ҳасана берилади.

Бир ибодат эвазига юз минглаб, ўн миллионлаб ибодатлар савобини ато қилиш Аллоҳ таолонинг йўз бандаларига берган инъоми ва фазлидир.

Ҳаж қилишга барча шарт-шароитлари бўла туриб, уни ортга сурган ва унга бепарво бўлган кишилар борасида куйидаги ҳадисни келтирдик.

عَنْ عَلَيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”مَنْ مَلَكَ زَادَا، وَرَاجَلَةَ تُبَلَّغَهُ إِلَى بَيْتِ اللَّهِ، وَلَمْ يَحْجُّ، فَلَا عَلَيْهِ أَنْ يَمُوتَ يَهُودِيًّا، أَوْ نَصْرَانِيًّا، وَذَلِكَ أَنَّ اللَّهَ يَقُولُ فِي كِتَابِهِ: ”وَلَمْ عَلَى النَّاسِ جُجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا

*Али (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:*

“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) шундай дедилар:

“Кимки ўзини Байтуллоҳгача етказадиган зоди роҳилага эга бўла туриб ҳаж қилмаса, яхудий ёки насроний ҳолида

вафот этишининг фарқи йўқдир. Бу – Аллоҳ Ўз китобида: “Иўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир”, – дегани учундир”. (*Термизий ривояти*)

Ҳажга бориш учун сабаблар муҳайё бўлиб, барча тўсиқлар барҳам бўлса-ю, ҳажга бормаса ёки маблағи бўла туриб, бепарволик билан ҳажга бориш учун навбатга турмай, қариликни кутиб юрса ҳам катта гуноҳкор бўлади.

## ҲАЖНИНГ ТУРЛАРИ

**1. Ифрод.** Ифрод сўзи луғатда “айриш, якка қилиш” деган маъноларни англатади. Истилоҳда эса миқотдан фақат ҳаж учун эҳромга киришга айтилади. Ифрод ҳаж қилувчи Маккан мукаррамага келиб, тавофи қудум қилиб, ҳаж амалларини адо қилишга киришади ва қурбонлик куни ақаба тошларини отгунча эҳромдан чиқмайди. Ҳажнинг бу турида қурбонлик қилиш вожиб бўлмайди. Фақат бир тавоф ва бир саъӣ қилиш вожиб. Бугунги кунда ифрод ҳаж қилувчи зиммасига кўпроқ мاشаққат юкланди. Чунки ҳожилар Маккан мукаррамага ўн беш ёки йигирма кун олдин етиб келадилар ва узоқ вақт эҳром ҳолатида бўлишлари лозим. Бу вақт мобайнида эҳромда мумкин бўлмаган амалларни бажарса, зиммасига каффорот лозим бўлади. Масалан, мўйлови ўсиб кетса, қисқартириш,

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

олиш мумкин эмаслигини унутиб, олса ёки хушбўйланса, жарима лозим бўлиб қолади.

2. Таматту. Таматту сўзи “фойдаланиб қолиш”, “фойдаланиш” маъносида бўлиб, бунда ҳаж сафарига чиқсан киши аввал миқотдан фақат умра учун эхромга киради ва Маккай мукаррамада умра арконларини адо қилиб эхромдан чиқади. Ундан кейин ҳаж кунлари бошлангунича эхромсиз Маккада яшайди. Сўнг тарвия, яъни зулҳижжанинг саккизинчи куни субҳида ўзи яшаб турган ҳарам худудидан эхромга кириб Минога йўл олади. Лекин Масжиди ҳарамга келиб тавоғ қилиб, икки ракат намоз ўқиб, эхромга кириш мустаҳабдир.

فَمَنْ تَمَتَّعَ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجَّ فَمَا اسْتَيْسَرَ مِنَ الْهَذِي فَمَنْ لَمْ يَجِدْ  
فَصِيَامُ ثَلَاثَةُ أَيَّامٍ فِي الْحَجَّ وَسَبْعَةٌ إِذَا رَجَعْتُمْ تِلْكَ عَشَرَةً كَامِلَةً  
ذَلِكَ لِمَنْ لَمْ يَكُنْ أَهْلُهُ حَاضِرٍ يَسْجُدُ الْحَرَامِ

“Қачонки, (монеликлардан) хотиржам бўлсангиз, сўнг (ҳаж вақтигача) кимки умра қилиб таматту қилса (эхромдан вақтинча чиқиб олса), мусассар бўлган қурбонликни қилсин! Ким (бунга имконият) топа олмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганларингиздан кейин рўза (тутсиш!) Ўша роса ўн кундир. Бу (хукмлар) оиласи (яашаш жойи) Масжиди Ҳаромда бўлмаганлар учундир”. (Бақара сураси 196-оят)

فَإِذَا كَانَ يَوْمُ التَّرْوِيَةِ أَحْرَمَ بِهِ... أَفْضَلُ امَّاکِنَهُ الْحَطِيمُ ثُمَّ  
الْمَسْجَدُ ثُمَّ مَكَّةُ ثُمَّ الْحَرَمُ.

“Тарвия куни, яъни зулҳижжанинг саккизинчи куни бўлганда ҳажга эҳромга киради. Эҳромга кирадиган жойларнинг энг афзали Ҳатим, Масжид, Макка сўнг Ҳарамдир”. (“Ғуния жадид”)

Курбонлик куни жамраи ақаба тошини отгандан кейин таматту қилувчи курбонлик қиласи ва ундан кейин сочини олдириб, эҳромдан чиқади.

Курбонлик қилишга қодир бўлмаса, Арафотдан олдин уч кун ва ундан кейин етти кун, жами ўн кун рўза тутади. Таматту ҳажининг шартлари қуйидагилар:

1. Таматту қилувчи офоқий бўлиши, яъни хил ва маккалик бўлмаслиги;
2. Умра тавофи ёки унинг аксар қисмини ҳаж ойларида бажариши;
3. Умра тавофи ёки унинг аксариятини ҳажга эҳромга киришдан олдин адо қилиши;
4. Умра ва ҳаж амаллари бир йилда ҳаж ойларида адо қилиниши;
5. Умра билан ҳаж ўртасида илмоми бўлмаслиги, яъни ҳаж билан умра иккаласи бир сафарда адо қилиниши. Илмом деб таматту эҳромига кириб, умра қилиб, сўнг ҳажга эҳромга киришдан олдин уйга бориб келишга айтилади.

6. Таматтунинг умраси фосид бўлмаслиги;

7. Ҳаж фасод бўлмаслиги, яъни таматтунинг умраси ҳам, ҳажи ҳам дуруст бўлиши. Агар у иккисидан бири фасод бўлса, таматту дуруст бўлмайди;

8. Таматту умрасидан кейин Маккаи мукаррамада доимий қолишини ирода қилмаслик. Чунки Маккада доимий яшаб қолишини ният қилиш билан маккаликка айланиб қолади. Маккаликларга эса таматту дуруст бўлмайди;

9. Ҳаж ойларидан олдин Маккаи мукаррамага бориб, ҳаж ойларида ҳаж қилса, у киши таматту қилган бўлмайди. Масалан, бир оғоқий киши рамазон ойида умра қилгандан кейин Маккаи мукаррамада ҳаж ойигача туриб, кейин ҳаж қилса, у ифрод ҳаж қилган бўлади. Чунки у умрани ҳаж ойларида қилмади. Таматту учун умра ҳаж ойларида бўлиши лозим.

**3. Қирон.** Қирон ҳажидамиқотдабирданига ҳаж ва умра учун эхромга кирилади. Маккаи мукаррамага етиб келиб, умра арконларини адо қилгандан кейин эхромдан чиқмай, шу эхромнинг ўзи билан ҳажни ҳам адо қилади. Бунинг иккинчи йўли, миқотдан фақат умрага эхром боғлаб, Маккаи мукаррамага етиб боришдан олдин йўлда ёки Маккаи мукаррамага етиб боргандан кейин умра тавоғидан олдин

ҳаж учун эхромга кириб, умра арконларини адо қилгандан кейин эхромдан чиқмай, сочини ҳам олдирмай, ўша эхромда ҳаж амаллари бошлангунича Маккада туради. Шунингдек, умра арконларини бажариб бўлганидан кейин битта тавофи зиёда қилиши суннатdir. Бу кишининг “тавофи кудум”и бўлади. Қирон ҳажи қилувчи ҳам ақаба тошларини отгандан кейин қурбонлик қилиши вожиб бўлади. Қурбонлик сўйилганидан сўнг соч олдирилиб ёки қисқартирилиб, эхромдан чиқлади.

Қирон ҳаж қилувчига икки тавоф ва икки саъй қилиш лозим бўлади. Бир тавоф билан бир саъй умра учун, иккинчи тавоф эса Арафот ва Муздалифада тургандан кейин бажариладиган ҳажнинг тавофидир. Ҳаж учун ҳам алоҳида саъй лозим. Ҳажнинг саъйини тавофи кудумдан кейин Арафотда туришдан олдин ҳам, тавофи зиёратдан кейин ҳам бажариши жоиз. Қирон ҳажи қилувчи бирор жиноят қилса, зиммасига иккита каффорот лозим бўлади. Каффоротнинг бири ҳаж учун, иккинчиси умра учун бўлади.

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، وَعَنْدِ اللَّهِ، قَالَ الْقَارِئُ يَطُوفُ  
طَوَافَيْنِ، وَيَسْعَى سَعْيَيْنِ

*Али ва Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:*

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

**“Қирон қилувчи икки тавоғ ва икки саъй қиласи”. (Таҳовий ривояти)**

Қирон ҳажи дуруст бўлиши учун бешта шартга аҳамият бериш лозим:

1. Ҳаж ойлари, яъни шаввол ойидан бошлаб зулҳижжанинг тўққизинчи кунига қадар умра тавофини қилиш. Агар шу вакт оралиғида умра тавофини қилмаса, қирон дуруст бўлмайди;

2. Умра тавофини Арафотда вуқф қилишдан олдин бажариш. Агар умра тавофини Арафотда тургандан кейин қилса, қирон дуруст бўлмайди;

3. Умра тавофидан олдин ҳаж учун ҳам эхромга кирган бўлиш. Умра тавофини қилгандан кейин ҳажга эхромга кирса, қирон дуруст бўлмайди ва таматтуга айланади;

4. Фосид умрадан олдин ҳажга эхромга кириш. Умра фосид бўлишидан кейин ҳажга эхромга кирса, қирон дуруст бўлмайди. Агар шундай қилса, ифрод ҳаж қилувчи бўлади;

5. Қирон умрасини бузилишидан сақланиш. Умра арконларини адо қилишдан олдин аёли билан қўшилмаслик лозим бўлади.

## II. ҲАЖНИНГ ВОЖИБ БҮЛИШИ ВА УНИНГ РУКНЛАРИ

### ҲАЖНИНГ ВОЖИБ БҮЛИШ ШАРТЛАРИ

Ҳажнинг шартлари иккига бўлинади: ахлияту вужуб (зиммасига ҳаж ибодати вожиб бўлиши учун лаёқатли бўлиш), ахлияту адо (ҳаж ибодатини бажариш учун лаёқатли бўлиш). Ҳаж вожиб бўлиши учун кишида куйидаги шартларнинг барчаси топилиши лозим. Улардан бирортаси топилмаса, унга ҳаж вожиб бўлмайди. Бунга куйидагилар киради: мусулмон, балоғатга етган, оқил, хур ва иқтисодий имкониятга эга бўлиш.

Ҳаж фарз бўлиши учун маблағи закот нисобига етиши ёки шу микдордаги молга эга бўлиши шарт эмас. Балки, ҳаж сафари учун ва сафарга бориб келгунича фарзандларининг харажатларига етадиган маблағга эга бўлиши кифоя. Бунда харажатлар нисобдан ортиқча бўлсин ёки кам бўлсин ёки баробар бўлсин, ўша харажатларни қоплашга имконияти бор кишига ҳаж фарз бўлаверади.

وَلَا يُشَرِّطُ لِوُجُوبِ الْحَجَّ مِقْدَارُ النِّصَابِ بَلْ مَا يَبْلُغُهُ سَواءٌ  
كَانَ مِقْدَارُ النِّصَابِ أَوْ أَكْثَرَ أَوْ أَقْلَى

“Ҳажнинг фарзандларининг молги учун нисоба  
микдордаги маблағга эга бўлиши шарт эмас.

TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI

17

398227  
AKADEMICHESKAYA KNIHA  
AKADEMICHESKAYA KNIHA  
AKADEMICHESKAYA KNIHA

**Балки, нисоб микдорига етсин ёки ундан кўп ёки кам бўлсин ҳаж харажатларига етса бўлди”.** (“Фуния жадид”)

Бир кишида ҳаж харажатларига етадиган маблағ бўлса-ю, лекин ўшанча микдорда қарзи ҳам бўлса, у аввал қарзини адо қилиши лозим. Кейинчалик ҳам ҳажга етарли маблағ тўплай олмаса, биринчи тўплаган маблағига ҳажга бормагани учун гуноҳкор бўлмайди.

وَإِنْ كَانَ فِي مَالِهِ وَفَاءٌ بِالَّذِينَ يَقْضِيُ الدِّينَ وَلَا يَحْجُّ وَيُكْرَهُ  
الْخُرُوجُ إِلَى الْغَزْوِ وَالْحَجَّ لِمَنْ عَلَيْهِ الدِّينُ

**“Агар қарзи бўлса, тўплаган маблағини қарзига бериб, ҳаж қилмайди. Қарзи бор киши ғазотга ва ҳажга чиқиши макрухдир”.** (“Фатавои қозихон”)

Бир киши ҳажга бораман деган ниятда маблағ тўплаётган бўлса, бундан ташқари, закотга етадиган пули ҳам бўлса, закот чиқараётган вақтида ҳаж учун тўплаётган маблағидан ҳам закот беради. Агар йил айланишига оз қолганда маблағидан ҳаж сафарига бориш учун тўласа ва закотга маблағи етмай қолса, закот бериши лозим бўлмайди. Лекин ортган маблағи нисобга етса, закот беради.

## ҲАЖ ИБОДАТИНИ АДО ҚИЛИШГА ҚҮЙИЛГАН ШАРТЛАР

Ҳаж вожиб бўлган кишилар уни адо этишлари учун уларда алоҳида шартлар топилиши керак. Мазкур шартлар кимда топилса, ҳаж ибодатини бевосита ўзи адо этиши фарз бўлади.

Борди-ю, ҳажнинг вожиб бўлиш шартлари топилиб, адо қилиш шартлари топилмаса, ҳажжи бадал қилдириши ёки унинг номидан ҳаж қилдиришни фарзандларига васият қилиши лозим. Ҳажни адо этиш шартлари қуидагилар:

1. Турли касалликлардан жисмонан соғлом бўлиши: кўзи ожиз, сафар ва ҳаж мاشаққатларига ярамайдиган дардманд ва кекса ҳамда узоқ йилдан буён касал бўлиб ётган кишиларга ҳаж қилиш вожиб бўлсада, бевосита ҳаж қила олмаганлари учун номларидан ҳажжи бадал қилдиришлари вожиб бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الزُّبَيْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ مِّنْ خَثْعَمَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ أَبِي أَذْرَكَ الْإِسْلَامَ وَهُوَ شَيْخٌ كَبِيرٌ لَا يَسْتَطِيعُ رُكُوبَ الرَّاحِلَةِ وَالْحَجَّ مَكْتُوبٌ عَلَيْهِ أَفَأَحْجُّ عَنْهُ؟ قَالَ: «أَنْتَ أَكْبَرُ وَلَدِهِ». قَالَ: نَعَمْ. قَالَ: «أَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ عَلَى أَبِيكَ دِينٌ فَقَضَيْتَهُ أَكَانَ ذَلِكَ يُجْزِئُ». قَالَ: نَعَمْ. قَالَ: «فَأَحْجُّ عَنْهُ»

## ИСЛОМНИЙГ БЕШ УСТУНИ

*Абдуллоҳ ибн Зубайр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинаади:*

“Хасъамлик бир киши Набий (соллаллоҳу алайҳи вәсаллам)нинг ҳузурларига келиб, шундай деди:

“Эй Аллоҳниң Расули! Отәм исломга кирди. У улов минишга ярамайдиган ёшда эди, зиммасига ҳаж фарз бўлди. Уни номидан мен ҳаж қилсам бўладими?” У зот: “Сен унинг фарзандларининг каттасимисан?” – дедилар. У: “Ҳа”, – деди. У зот: “Отангнинг зиммасида қарзи бўлса, уни тўлассанг, ўша (унинг номидан) жоиз бўладими?” – дедилар. У: “Ҳа”, – деди. У зот: “Ундаи бўлса, унинг номидан ҳаж қил”, – дедилар”. (Байҳақий ривояти)

2. Ҳажга бориб келиш йўли ўзи учун ҳам, моли учун ҳам хавфдан холи бўлиши:

Маккага олиб борувчи йўл турли сабабларга кўра нотинч бўлса, ҳажни адo қилиши вожиб бўлмайди. Бундай ҳолатда ҳаж бадал қилдириши ёки васият қилиши вожиб бўлади;

3. Уйи билан Макка орасидаги йўл сафар масофаси ёки ундан кўпроқ бўлса, аёллар ҳаж сафарига маҳрами ёки эри билан чиқиши вожиб бўлади. Маҳрам деб аёлнинг ақлхуши жойида, балоғатга етган ҳамда фосик ёки мажусий бўлмаган, никоҳи абадий ҳаром қилинган яқин қариндошларига айтилади.

حَدَّثَنَا مُسْدَدٌ قَالَ: حَدَّثَنَا يَحْيَى، عَنْ عَبْنِ اللَّهِ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ  
ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ  
قَالَ: «لَا تُسَافِرِ الْمَرْأَةَ ثَلَاثًا إِلَّا مَعَ ذِي مَخْرَمٍ»

Ибн Умар (розияллоху анхумо) дан ривоят қилинади:

“Набий (соллаллоху алайхи васаллам): “Аёл киши уч кун(лик масофа)га маҳрамсиз сафар қилмайди”, – дедилар”.

حَدَّثَنَا آدُمُ قَالَ: حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي ذِئْبٍ قَالَ: حَدَّثَنَا سَعِيدُ الْمَقْبَرِيُّ،  
عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هَرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ  
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَحِلُّ لِامْرَأَةٍ تُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالنَّيْمَ الْآخِرِ  
”أَنْ تُسَافِرَ مَسِيرَةَ يَوْمٍ وَلَيْلَةً لَيْسَ مَعَهَا حُزْمَةً»

Абу Хурайра (розияллоху анху) айтади:

“Набий (соллаллоху алайхи васаллам): “Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган аёлга бир кеча-кундузлик масофага маҳрамсиз сафар қилиши ҳалол бўлмайди”, – дедилар”.

Шаръий сафар микдоридан кам бўлган ва фитна ҳамда гуноҳга мубтало бўлиш хавфи бўлмаган ҳолатда Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг машҳур сўзларига мувофиқ аёл киши маҳрамсиз, эрсиз сафар қилиб ҳаж қилиши жоиздир.

وَرُوِيَ عَنْ أَبِي حَيْنَةَ وَأَبِي يُوسُفَ كَرَاهَةُ خُرُوجِهَا وَخَدَهَا مَسِيرَةً يَوْمَ وَاحِدٍ، وَتَبَغِي أَنْ يَكُونَ الْفَتْوَى عَلَيْهِ لِفَسَادِ الزَّمَانِ

“Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф (рахматуллоҳи алайх)дан: “Аёл киши бир кунлик масофага сафар қилиши макрухлиги” ривоят қилинган. Замон ахли фитна-фасодга дучор бўлгани боис шу қавлга фатво берилса яхши бўлар эди”. (“Раддул муҳтор”)

Аёл киши маҳрами ёки эри билан ҳаж сафарига чиқишидан мақсад гуноҳ ва фитнага мубтало бўлишдан сақланиш. Фитна ва гуноҳ ишларга мубтало бўлиш хавфи бўлмаган катта ёшли аёлларни ўзи ёлғиз ҳаж сафарига чиқишиларига баъзи уламолар рухсат берганлар. Бу ҳақда “Раддул муҳтор” китобида шундай дейилади:

أَمَّا الْعُجُوزُ الَّتِي لَا تُشَتَّهِي فَلَا بَأْسَ بِمُصَافَحَتِهَا وَمَنْ يَدْهَا إِذَا أَمِنَ، وَمَنْ تَجَازَ الْمَسْأَلَ جَازَ سَفَرُهُ بِهَا وَيَخْلُو إِذَا أَمِنَ عَلَيْهِ وَعَلَيْهَا وَإِلَّا لَا

“Шаҳватдан тўхтаган кекса аёллар билан қўл бериб кўришганда ва қўлидан тутганда шаҳвати қўзғалмаслигига ишонса, қўл бериб кўришиши ва қўлидан тутиши жоиз. Қўлидан тутиши жоиз бўлгандан кейин биргаликда сафар қилиши ва ёлғиз қолиб кетишлари

жоиздир. Бу нарса, ўзини ва аёлни шаҳвати қўзғалмаслигига амин бўлгандадир. Агар ўзи ёки аёлнинг шаҳвати қўзиши эҳтимоли бўлса, жоиз эмасдир”.

Ҳазрат Таҳонавий (раҳматуллоҳи алайх) фитна хавфи бўлмаган кекса аёллар учун сафар қилиш имконияти борлиги ҳақида шундай деганлар: “Олтмиш, етмиш ёшга кирган кекса аёл маҳрамсиз ҳаж сафарига чиқиши жоиздир. Лекин жисмонан заиф бўлиб қолганлар учун бирор кишининг уларни хизматида бўлиши зарурийдир” (Имдодул фатаво);

4. Иддада ўтирган аёл ҳаж сафарига чиқиши мумкин эмас. Борди-ю, ҳаж сафарига идда сақламай ёки маҳрамсиз чиқиб кетса, қилган ҳажи дуруст бўлади, лекин гуноҳкор ҳам бўлади.

## ҲАЖНИНГ ФАРЗЛАРИ

Ҳажнинг асосий фарзлари учта бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Эҳром: ният ва талбияни пайдарпай айтишдан иборат. Бу намозга ният ва такбири таҳрима билан киришга ўхшайди;

2. Арафотда туриш: Арафа куни қуёш тикқадан гарб томонга оғганидан кейин Арафотда ҳозир бўлиш;

3. Тавофи зиёрат: зулҳижжанинг ўнинчи сидан ўн иккинчи куни орасида, яъни курбонлик кунлари қилинадиган ибодат.

## ЭХРОМ ВА УНГА ТЕГИШЛИ МАСАЛАЛАР

Эхром – ҳаж ёки умра ёки иккаласига бирданига ният қилиб талбия, яъни “лаббайкаллоҳумма лаббайка”ни айтишдир. Бунда ният билан талбия биргаликда амалга ошиши керак. Шу боис дилда ният қилиб, тил билан талбия ёки унинг ўрнини босадиган – Аллоҳ таолонинг зикри айтилмаса, эхромга кирган бўлмайди. Шунингдек, тил билан талбия ёки унинг ўрнини босадиган – Аллоҳ таолонинг зикрини айтиб, қалбда эхромга киришни ният қиласа ҳам эхромга кирган бўлмайди.

وَالْمُرَادُ بِالذِّكْرِ التَّلِبِيَّةِ وَنَخْوَهَا، وَبِالْخُصُوصِيَّةِ مَا يَقُومُ مَقَامَهَا  
مِنْ سَوْقِ الْهَذِيِّ أَوْ تَقْلِيدِ الْبَذْنِ، فَلَا بُدَّ مِنْ التَّلِبِيَّةِ أَوْ مَا يَقُومُ  
مَقَامَهَا فَلَوْ نَوَى وَلَمْ يُلْبِّ أَوْ بِالْعَكْسِ لَا يَصِيرُ مُخْرِمًا

“Ният қилиш билан биргаликда зикр ҳам қилиш керак дегандан мурод талбия айтиш ёки талбия каби бирор-бир зикрни айтиш ёки қурбонликни етаклаб олишдан иборат талбия ўрнига ўтадиган нарсадир. Туя ёки молнинг бўйнига бирор-бир ҳаж қурбонлигини билдирадиган белгини қўйиб қўйса ҳам бўлади. Киши эхромли бўлиши учун талбия ёки унинг ўрнига ўтадиган нарсани топилиши зарурдир. Агар ҳаж қилишни ният қиласа-ю, талбия айтмаса ёки талбия айтиб ҳаж қилишни

ният қилмаса, эхромга кирувчи бўлмайди”. (“Раддул муҳтор”)

Кўпчилик эхром сифатида ўраладиган икки матони эхром ва уни кийган кишини мұхрим – эхромли деб ўйлашади. Аслида ҳаж ёки умра нияти билан талбия айтишга эхром дейилади. Бу икки мато эса намоздаги каби авратни тўсувчи кийимдир.

Эркак киши умра ёки ҳаж ниятида тикилган кийим кийиши мумкин эмас. Агар ёқаси йўқ кўйлак, иштон, қўлқоп, маҳси, майка, дўппи, костюм, камзул каби тикилган кийим кийса, бу ҳолда унинг бўйнига каффорот вожиб бўлади. Шунинг учун эркакларнинг эхром кийимлари тикилмаган бўлиши шарт.

وَلْبَسْ قَمِيصٍ وَسَرَاوِيلَ أَيْ كُلُّ مَغْمُولٍ عَلَىٰ قَدْرِ بَدْنِ أَوْ  
بَغْضِيهِ

“Эхромдаги кишига кўйлак, шалвор каби баданинг ҳаммаси ёки баъзисига муносиб қилиб тикилган кийимларни кийиш жоиз бўлмайди”. (“Раддул муҳтор”)

Эхромнинг суннати икки мато олиб, бири билан киндиги остидан тизза остигача беркитиб олиш, иккинчисини эса катта сочиқ каби елкасига ташлаб олишдир. Фақат тавоф вақтида юқорисига ташлаб олган матони чап елкасини очиб қўлтигини остидан ўтказиб олади.

Эхромнинг юқори қисмига ҳам, паст қисмига ҳам пул, паспорт ва бошқа шу каби

нарсаларни сақлаш учун чўнтақ тикиш жоиз. Шунингдек, икки эхром кийимини бир-бирига қўшиб юбориш ҳам жоиздир.

. Ҳожи эхромга киришидан олдин таҳорат, ғул қилиб, икки ракат нафл намоз ўқийди. Сўнг фақат ҳаж қилмоқчи бўлса, қуидаги дуони ўқийди:

اللَّهُمَّ إِنِّي أُرِيدُ الْحَجَّ فَيَسِّرْهُ لِي وَتَقْبَلْهُ مِنِّي

**“Аллоҳумма инни урийдул ҳажжа фа яссирху лий ва тақоббалху минний”.**

Маъноси: Эй Аллоҳим! Ҳажс қилишини ирода қиласман. Уни менга осон этиб, уни мендан қабул қилгин.

Агар қирон ҳажи қилмоқчи бўлса, яъни ҳам ҳаж ҳам умра учун битта эхромга кирмоқчи бўлса, қуидаги лафзлар билан дуо қиласми:

اللَّهُمَّ إِنِّي أُرِيدُ الْعُمَرَةَ وَالْحَجَّ فَيَسِّرْهُمَا لِي وَتَقْبَلْهُمَا مِنِّي

**“Аллоҳумма инни урийдул умрата вал ҳажжа фа яссирхума лии ва тақоббалхума минний”.**

Маъноси: Эй Аллоҳим! Умра ва ҳажс қилишини ирода қиласман. У иккисини менга осон этиб, мендан у иккисини қабул қилгин.

Агар аввал умрага эхром боғлаб, уни тўлиқ адо қилиб бўлгач эхромдан чиқиб, кейинроқ яна ҳажга эхром боғламоқчи бўлса, қуидаги дуони ўқийди:

اللَّهُمَّ إِنِّي أُرِيدُ الْعُمْرَةَ فَيُسِّرْهَا لِي وَتَقْبِلْهَا مِنِّي

**“Аллоҳумма инни урийдул умрата фа яссирҳа лии ва тақоббалҳа минни”.**

Маъноси: Эй Аллоҳим! Умра қилишини ирода қиламан. Уни менга осон этиб, уни мендан қабул айлагил.

Агар бирор киши номидан ҳажжи бадал қилаётган бўлса, ўша киши номидан ният қилиб қуидаги дуони ўқийди:

اللَّهُمَّ إِنِّي أُرِيدُ الْحَجَّ عَنْ فَلَانٍ فَيُسِّرْهُ لِي وَتَقْبِلْهُ مِنِّي عَنْهُ

**“Аллоҳумма инни урийдул ҳажжа ъан фулонин фа яссирҳу лий ва тақоббалҳу минни анҳу”.**

Маъноси: Эй Аллоҳим! Фалончининг номидан ҳаж қилмоқни ирода қилдим. Уни менга осон этиб, менинг ва унинг томонидан уни қабул қилгин.

Юқоридагилардан бирортасини айтиб бўлгач, талбия айтади ва талбиядан кейин, қоидага мувофиқ, эхромга кирувчига айланади.

## ТАЛБИЯ ЛАФЗИ ВА УНГА ТЕГИШЛИ ҲУКМЛАР

Икки ракат эхром намозини адо қилингандан кейин намоз саломига улаган ҳолда эхром нияти билан биринчи талбия айтилади.

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

Шу боис эхром намози, ҳаж ёки умра нияти ва талбияси орасида узулиш бўлмаслиги лозим.

إِنَّمَا يُسْتَحِبُّ أَنْ يَتَوَلَّ وَيُلْبَيَ عَقِيبَ رَكْعَتِي الْإِخْرَامِ وَهُوَ جَالِسٌ

“Эхромга кириш учун ўқиган икки ракат намози орқасиданоқ салом бериб ўтирган ҳолатида ҳаж ёки умрани ният қилиб, талбия айтиши мустаҳабдир”. (Мирқотул мафотих)

Саҳиҳ ҳадисларда зикр қилинган талбия лафзи қуйидагича:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ تَلْبِيَةَ رَسُولِ اللَّهِ  
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”لَبَّيْكَ اللَّهُمَّ لَبَّيْكَ لَبَّيْكَ لَا شَرِيكَ لَكَ لَبَّيْكَ  
”إِنَّ الْحَمْدَ وَالنِّعْمَةَ لَكَ وَالْمُلْكَ لَا شَرِيكَ لَكَ

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) дан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг талбиялари “Лаббайкаллоҳумма лаббайк. Лаббайка ла шарийка лака лаббайк. Иннал ҳамда, ваннеъмата лака вал мулк. Ла шарийка лак!” эди”. (Термизий, Бухорий, Насойи ривояти)

Маъноси: Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман, Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман! Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман! Сенинг шеригинг йўқдир! Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман! Албатта, ҳамд, неъмат ва мулк барчаси Сеникидир! Сен шеригинг йўқ зотсан!

Ҳаж ёки умрага эхром боғлагандан кейин күп бор талбия айтиш мустаҳаб ва суннатдир. Ўтириб, юриб ва ҳар қадамда талбия айтишни давом эттириш лозим. Ҳадисларда талбияси күп ҳаж афзал ҳаж дейилган.

عَنْ أَبِي بَكْرِ الصَّدِيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُئِلَ أَيُّ الْحَجَّ أَفْضَلُ؟ قَالَ: الْعُجُجُ وَالثَّجَّ

*Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:*

“Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) дан қайси ҳаж афзалдир?” – деб сўралди. У зот: “Баланд овозда талбия айтилгани ва қон оқизилгани”, – дедилар”. (Термизий ривояти)

عَنْ سَهْلِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُلْتَبِي إِلَّا لَبَّى مَنْ عَنْ يَمِينِهِ وَعَنْ شِمَالِهِ مِنْ حَجَرٍ أَوْ شَجَرٍ أَوْ مَدَرٍ حَتَّى تَقْطِعَ الْأَرْضُ مِنْ هَاهُنَا وَهَاهُنَا. رَوَاهُمَا التَّرْمِذِيُّ

*Саҳл (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:*

“Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам):

“Қай бир мусулмон талбия айтса, албатта, унинг чап ва ўнгидаги ер тугагунча бўлган ердаги тошлар, дарахтлар ва

кесаклар ҳам талбия айтади”, – дедилар”.  
(Имом Термизий ривояти)

Киши ҳаж ёки умра нияти билан талбия айтганидан кейин мукаммал муҳримга айланади ва шундан кейин тикилган кийим, хушбўйликлар ҳамда шунга ўхшаш нарсаларни ишлатиш жоиз бўлмайди.

**Эҳромга киришнинг кўриниши:** намозга кирмоқчи бўлган киши аввало таҳорат олиб, аврат жойларини беркитиб, қиблага юзланиб, ўқимоқчи бўлган намозини ният қиласди ва қўлларини кўтариб: “Аллоҳу акбар” дейди. Шунингдек, ҳаж ёки умра эҳромига кирмоқчи бўлган киши фусул қилиб, тикилган кийимларини ечиб, икки матодан бирини елкасига ташлаб, иккинчиси билан киндик остини беркитиб, икки ракат намоз ўқиди. Сўнг ҳаж ёки умрага ният қилиб, талбия сўзларини айтади ва шу билан муҳрим кишига айланиб қолади.

Ҳажнинг талбиясини ҳаж қилувчи жамраи ақабанинг<sup>1</sup> тошларини отгунича давом эттиради. Жамраи ақаба тошларини отиш билан талбия айтиш тўхтатилади ва тош отиш дуоси ўқилади.

عَنْ أَبْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْدَفَ الْفَضْلَ مِنْ جَمْعٍ إِلَى مِنْيَ وَأَخْبَرَنِي الْفَضْلُ أَنَّ النَّبِيَّ

<sup>1</sup> Жамраи ақаба деб биринчи куни отиладиган тошга айтилади.

صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَزَلْ يُلْبَيِ حَتَّى رَمَى جَمْرَةَ الْعَقْبَةِ.  
رَوَاهُ الْأَزْبَعُ

*Ибн Аббос (розияллоху анху)дан ривоят қилинади:*

“Набий (соллаллоху алайҳи васаллам) Жамъдан Миногача Фазлни мингаштириб келдилар. Фазл менга хабар беринича, Набий (соллаллоху алайҳи васаллам) то Ақабада тош отгуналарича талбия айтишда бардавом бўлганлар”. (*Тўртовлари ривоят қилишиган*)

Умранинг талбияси тавоғ қилишга киришилган вақтда тўхтатилиши лозим.

عَنْ أَبْنَى عَبَّاسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: يُلْبَيِ الْمُغْتَمِرُ حَتَّى يَسْتَلِمَ الْحَجَرَ. رَوَاهُ أَبُو ذَاؤدَ وَالْتَّرمِذِيُّ

*Ибн Аббос (розияллоху анху)дан ривоят қилинади:*

“Набий (соллаллоху алайҳи васаллам): “Умра қилувчи то ҳажарни истилом қилгунича талбия айтади”, дедилар”. (Абу Довуд ва Термизий ривояти)

## **ЭХРОМДА МАН ҚИЛИНГАН ИШЛАР**

Эхромга кирган киши кўплаб нарсалардан тийилиши керак. Улардан энг асосийлари қўйидагилар:

1. **Эхромда бит ўлдириш.** Эхромда бит ўлдириш мумкин эмас. Ким учтадан кам бит ўлдирса, ўзи хоҳлаганча садақа қиласи. Ўлдирилган битларнинг сони учтадан зиёд бўлса, бир садақаи фитр миқдорида садақа қиласи. Бу борадаги қоида шуки, бадандан пайдо бўладиган ҳашоратларни ўлдириш мумкин эмас. Бадандан пайдо бўлмайдиган кана, тахта кана, чивин каби ҳашоратларни ўлдириш мумкин;

2. **Эхромда чигиртка ўлдириш.** Ҳарамда чигирткалар жуда кўп, эхромдаги киши уларни ўлдиришдан сақланиши керак. Ким учтагача чигиртка ўлдирса, хоҳлаганича садақа қиласи. Учтадан зиёд бўлса, бир садақаи фитр миқдоридаги пулни хайрия қиласи;

3. **Эхром ҳолатида жанжаллашиш.** Ҳаж қилувчилар бир-бирлари билан жанжаллашишдан сақланишлари лозим. Бу жиноятга ҳеч қандай жарима бўлмаса ҳам, лекин қилган ҳажининг савобидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин;

4. **Эхромда аёлинни ўпиб қучоқлаш.** Эхромда эр ўз аёлинни шаҳват билан ўпса, қучоқласа, жаримасига бир қўй ёки эчкини курбонлик қилиши вожиб бўлади. Агар ўша

холатда аёлда ҳам шаҳват пайдо бўлса, унга ҳам алоҳида бир қурбонлик вожиб бўлади;

**5. Эҳромда соч олдириш.** Эҳромда сочини олдирган ёки қисқартирган кишига қурбонлик вожиб бўлади;

**6. Эҳромда соқололиш ёки қисқартириш.** Эҳромдан чиқишдан олдин соқолни тўлиқ қирдириш ёки тўртдан бирини ва ундан кўпини олдирган кишига жарима сифатида қурбонлик қилиш лозим бўлади. Агар бундан кам бўлса, жарима сифатида садақа, яъни ярим соъ – икки ярим кг. миқдорида садақа қилиш вожиб бўлади;

**7. Эҳромда қўлтиқ ости тукини олиш.** Эҳромда икки ёки бир қўлтиқни туки олинса, жаримасига қурбонлик лозим бўлади;

**8. Эҳромда киндик ости тукини олиш.** Эҳромда киндик ости тукини олган кишига ҳам жарима сифатида қурбонлик вожиб бўлади;

**9. Бир вақтда сочни, соқолни ва бутун танадаги тукларни олиш.** Эҳромдаги киши бир вақтда соч, соқол ва қўлтиқ ҳамда киндик ости тукларини олса, барчасига бир қурбонлик вожиб бўлади. Агар уларни турли вақтда қилса, ҳар бир вақт учун алоҳида-алоҳида қурбонлик вожиб бўлади. Яъни соқолини олиб бўлиб, айланиб келиб, сочини олса, жарима сифатида иккита қўй сўйиши лозим бўлади;

**10. Соч ёки соқолнинг икки ёки уч толасини, қўлтиқ ёки киндик ости тукларидан икки ёки уч толасини юлиб олиш.** Соч, соқол, қўлтиқ ёки киндик

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

ости тукларидан икки ёки уч тола юлинса, жаримасига бир сиқим буғдой ёки унинг қиймати садақа қилинади. Агар юлингандар толалар учтадан зиёда бўлса ёки тук чиққан аъзонинг тўртдан биридан кам қисми озайтирилса ёки қириб олинса, жаримасига садақаи фитр бериши ёки унинг қийматини тўлаши лозим бўлади;

**11. Эҳромда мўйловни қисқартириш.** Эҳромда мўйловнинг ҳаммасини ёки баъзисини қисқартирса, жаримасига садақаи фитр лозим бўлади;

**12. Соч, сокол, қўлтиқ ва киндик** ости тукларидан бошқа жойларда ўсган тукларни олиш. Аъзонинг барчаси ёки баъзиси ёки тўртдан бири ёки ундан кам қисмидаги тукларни олишга жарима сифатида бир садақаи фитр лозим бўлади;

**13. Эҳром ҳолатида тирноқ олиш.** Бир вактда қўл ва оёқ тирноқларини олган киши зиммасига бир қурбонлик вожиб бўлади. Агар тўрт аъзо тирноқларини турли вактда тўртта жойда олса, тўртта жонлиқ сўйиш лозим бўлади. Шу тариқа, бир аъзо тирноқларини бир вактда, иккинчи аъзо тирноқларини бошқа вактда олса, икки қўй лозим бўлади. Агар барча аъзолар тирноқларини олишда бир жойда ёки турли жойда ўтириб, ҳар бармоқдан бештадан кам, яъни тўртта ва ундан кам бармоқ

тириоқларини олса, ҳар бир олинган бармоқ тириоғига биттадан садақаи фитр қилиши лозим бўлади;

14. Эхромда тикилган кийим кийиш. Эхромдаги эркак кишилар тикилган кийим кийиши мумкин эмас. Бир кеча кундуз ёки бир кеча ёки бир кун микдорида, яъни ўн икки соат ёки бир неча кун узлуксиз тикилган кийим кийган кишига жарима сифатида қон чиқариш лозим бўлади. “Раддул муҳтор”да бу ҳақда шундай дейилган:

يَوْمًا كَامِلًا أَوْ لَيْلَةً ... فَلَوْ لَبَسَ مِنْ نِصْفِ النَّهَارِ إِلَى نِصْفِ اللَّيْلِ مِنْ غَيْرِ اِنْفِصالٍ أَوْ بِالْعَكْسِ لَزَمَهُ ذَمَّ كَمَا يُثِيرُ إِلَيْهِ قَوْلُهُ وَفِي الْأَقْلَ صَدَقَةٌ. قَوْلُهُ وَفِي الْأَقْلَ صَدَقَةٌ أَيْ نِصْفُ صَاعٍ مِنْ بَرْ، وَفِي أَقْلَ مِنْ سَاعَةٍ قَبْضَةٌ مِنْ بَرْ.

“Бир кун тўлиқ ёки бир кеча тўлиқ тикилган кийим кийса, у қурбонлик қилиши лозим бўлади. Агар куннинг ярмидан туннинг ярмигача ёки туннинг ярмидан куннинг ярмигача узлуксиз тикилган кийим кийса ҳам зиммасига битта қурбонлик лозим бўлади. Бир кун ёки бир кечадан камроқ муддат тикилган кийим кийса, ярим соъ буғдойдан садақа қилиш вожиб бўлади. Бир соатдан озроқ тикилган кийим кийса, бир сиқим буғдой садақа қилиш вожиб бўлади”;

### 15. Эхромда хушбўй суртиш.

Эхромда хушбўйланиш аёлга ҳам, эркак кишига ҳам бирдек хато ҳисобланади. Бунда бу ишни қасддан ёки билмасдан қилганига қаралмайди. Шунингдек, хушбўйликни баданга ёки кийимга суртишдан қатъи назар бу хато ҳисобланади.

Агар бир киши катта аъзоларидан бирига, яъни бош, юз, болдир, сон, билак, қўл ва кафти ёки бир аъзодан ортиқ жойига хушбўй нарса суртса, жаримасига қўй сўйиши лозим бўлади.

Агар кичик аъзолари, яъни қулок, бурун, бармоқ кабиларга хушбўй нарса суртса, жаримасига садақаи фитр лозим бўлади;

16. Эхромда аёл киши хина қўйиши. Аёл киши эхромда кафти ёки оёғига хина қўйса, жаримасига қурбонлик лозим бўлади;

17. Эхромда бош ёки юзни ёпиш. Эхромдаги эркак киши бошини ва юзини ёпиши мумкин эмас. Агар бир кун ёки бир кеча тўлиқ, яъни ўн икки соат давомида бошини ёки юзини ёпса, аёл киши эса юзини ёпса, қўй сўйиши лозим бўлади. Бу иш бир кечадан кам бўлса, садақаи фитр бериши лозим бўлади.

وَلَا فَرْقَ بَيْنَ كَوْنِهِ مُخْتَارًا فِي الْبَنْسِ أَوْ مُكْرَّهًا عَلَيْهِ أَوْ نَائِمًا فَغَطَّى إِنْسَانٌ رَأْسَهُ لَيْلَةً أَوْ وَجْهَهُ حَتَّى يَجِدَ الْجَزَاءَ عَلَى النَّائِمِ

“Тикилган кийимни ихтиёрий кийса ҳам, мажбуран кийса ҳам ёки ухлаётганданда бирор киши бошини ёки юзини ёниб қўйса

**ҳам ухлагувчига жазо вожиб бўлаверади”.**  
(Фатхул қодир)

**فِي سَاعَةٍ نِصْفٌ صَاعٌ وَفِي أَقْلَ مِنْ سَاعَةٍ قَبْضَةٌ مِنْ بُرْ**

**“Бир соатга ярим соъ, ундан озида эса бир сиқим буғдой вожиб бўлади”;** (“Раддул мухтор”)

**18. Ҳарам худудидаги ўт-ўланларни юлиш ва дарахтларни кесиш.** Ҳарам худудидаги ўт-ўланларни юлиш ва дарахтларни кесиш мумкин эмас. Шунингдек, ҳарам худудида эҳромлига ҳам, эҳромсизга ҳам ов ҳайвонларини ўлдириш жоиз эмас. Шунинг учун бирор киши ҳарам худудидаги ўт-ўланни юлса ёки дарахтни кесса ёки ов ҳайвонларини овласа, унинг қийматини садақа қилиши лозим бўлади;

**19. Эҳром ҳолатида ов қилиш.** Эҳромда ов қилиш жоиз эмас. Шунинг учун эҳромдаги киши ҳарам худудидан ташқарида бирор нарсани овлаб уни сўйса, сўйилган жонлик ҳаром ўлган жонивор ҳукмида бўлади ва уни истеъмол қилиш бирор кишига ҳалол эмас. Эҳромдаги киши унинг қийматини тўлаши вожиб бўлади

Эҳромдаги одам қуйидаги ҳарам худудида ўн бир турли ҳайвонни ўлдириши мумкин:

1. Илон;
2. Чаён;
3. Калтакесак;

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

4. Каламуш;
5. Калхат;
6. Гўнг қарғаси;
7. Қолағон ит;
8. Чивин;
9. Тишлайдиган чумоли;
10. Тошбақа;
11. Ҳамла қилувчи ҳар бир жонивор.

عَنْ حَفْصَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: خَمْسٌ مِنَ الدَّوَابِ لَا حَرَجَ عَلَى مَنْ قَتَلَهُنَّ الْغَرَابُ وَالْحِدَاءُ وَالْفَارَةُ وَالْعَقُوبُ وَالْكَلْبُ الْعَقُورُ

*Хафса* (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади:

“Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам):

“Ҳайвонлардан бештасини қатл қилган кишига ҳеч қандай зиён йўқ: қарға, қузғун, сичқон, чаён ва қутирган ит”, – дедилар”.

وَفِي رِوَايَةٍ: خَمْسٌ فَوَاسِقُ يُقْتَلُنَّ فِي الْجِلْ وَالْخَرَمِ: الْحَيَّةُ وَالْغَرَابُ الْأَبَقُ وَالْفَارَةُ وَالْكَلْبُ الْعَقُورُ وَالْحُدَيَا. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ

*Бошқа бир ривоятда:*

“Беш фосиқни ҳилда ҳам, ҳарамда ҳам ўлдирилади: илон, ола қарға, сичқон, қутирган ит ва қузғун”, дейилган”. (*Бешовлари ривоят қилишган*)

**20. Ҳаж қачон фосид бўлади?** Ҳожи Арафотда туришдан олдин аёли билан яқинлик қилса, ҳажи фосид бўлади. Агар бу ишни Арафотдан кейин қилса, унга қурбонлик вожиб бўлади. Арафотдан олдин аёли билан яқинлик қилгани сабабли ҳажи фосид бўлган киши иккинчи марта эҳромга кириб Арафотда туришга улгурса, ҳажи дуруст бўлади. Лекин зиммасига жарима сифатида бир жонлиқ сўйиш лозим бўлади. Агар ўша йили қайтадан ҳаж қилишга улгурмаса, бошқа ҳожилар каби ҳаж амалларини якунлайди ва келаси йили ҳажнинг қазосини адо қилиши ва бир қўй сўйиши лозим бўлади;

**21. Умра қачон фосид бўлади?** Умра тавофини адо қилишдан олдин киши аёли билан қўшилиб қўйса, умраси фосид бўлади ва унинг зиммасига умра қазоси билан бирга бир жонлиқ сўйиши ҳам вожиб бўлади. Агар ўша заҳоти умрага эҳром боғлаб, уни қайтадан қилса, қазоси адо бўлади. Лекин зиммасидан қўй сўйиш соқит бўлмайди;

**22. Қачон каффоротга бадана лозим бўлади?** Бадана деб етти киши шерик бўлиб сўйиши мумкин бўлган жонлиққа айтилади. Бунга туже, мол каби йирик ҳайвонлар киради. Бадана сўйиш фақат ҳаждаги хатолар учун бўлиб, бу уч ҳолатда амалга оширилади:

**1. Ҳожи Арафотда тургандан кейин, соч олдириб, тавофи зиёрат қилишдан олдин**

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

аёли билан қўшилиб қўйса, жарима сифатида бадана қурбонлик қилиши вожиб бўлади;

2. Жунуб ҳолда тавофи зиёрат қилган кишига жарима сифатида бадана вожиб бўлади;

وَلَوْ طَافَ لِلزِّيَارَةِ جُنُبًاً أَوْ حَائِضًاً أَوْ نُفَسَاءَ كُلَّهُ أَوْ أَكْثَرَهُ وَهُوَ  
أَرْبَعَةُ أَشْوَاطٍ فَعَلَيْهِ بَدَنَةٌ

“Тавофи зиёратни барчасини ёки аксариятнини, яъни тўрт айланани жунуб ҳолатда ёки ҳайз ёки нифос ҳолатда қилса, зиммасига бадана вожиб бўлади”; (“Ғуния жадид”)

3. Аёллар нифос ва ҳайз ҳолда зиёрат тавоғ қилишининг жаримаси баданадир.

## АРАФОТ МАСАЛАЛАРИ

فَإِذَا أَفْضَتُم مِّنْ عَرَفَاتٍ فَادْكُرُوا اللَّهَ عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ  
وَادْكُرُوهُ كَمَا هَدَأْكُمْ وَإِنْ كُنْتُمْ مِّنْ قَبْلِهِ لَمِنَ الصَّالِحِينَ ثُمَّ أَفْيِضُوا  
مِنْ حِينَثُ أَفَاضَ النَّاسُ وَاسْتَغْفِرُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ

“Арафотдан тушганингизда, Машъари Ҳаромда (Муздалифада) Аллоҳни (талбия, таҳлил, такбир, сано билан) зикр этинг! У сизларни – гарчи илгари адашғанлардан

бўлсангиз-да – ҳақ йўлга ҳидоят қилгани каби сизлар ҳам Уни ёд этингиз! Сўнгра одамлар тушган ердан (Арафотдан) тушингизлар ва Аллоҳдан мағфират сўрангизлар. Албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир” (Бақара сураси 198–199-оятлар)

Зулхижжа ойининг тўққизинчи куни Минодан Арафотга йўл олинади. Бунда офтоб чиқишини кутиш суннат. Күёшнинг нури Жабали Сабийр тогидан кўринса, Арафотга равона бўлади. Ҳожилар Арафот томон юрар эканлар, хотиржамлик ва виқор билан талбия, такбир, таҳлил, зикр ва дуо ҳамда дуруди шариф ўқийдилар. Агар қуёш чиқишидан илгари бомдод намозини адо қилса ёки субҳи содик чиқишидан олдин Минодан Арафотга равона бўлса ҳам жоиз. Лекин суннатга хилоф ва макруҳ иш қилган бўлади.

Минодан Арафотга боришда автобусларга ўтиришга тўғри келади. Бу вақтда баъзан автобуслар одамлар сонига нисбатан кам бўлиши мумкин. Шунинг учун автобусга чиқаётган пайтда ҳожилар бир-бирларини суриб, азиятетказишдан огоҳ бўлишлари лозим. Арафотга келгандан сўнг ҳожилар ўзлари учун ажратилган чодирларга боришлари керак.

Арафот майдони кўринган пайтда ва унга яқин қолганда қуйидаги дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ إِنِّي تَوَجَّهُتْ وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ وَوَجْهُكَ أَرَدْتُ اللَّهُمَّ اغْفِرْ  
 لِي وَتُبْ عَلَيَّ وَأَغْطِنِي سُؤْلِي وَوَجْهَ لِي الْخَيْرَ أَتَيْمَا تَوَجَّهْتْ  
 سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ

“Аллоҳумма илайка таважжахту ва алайка таваккалту ва важҳака арадту. Аллоҳумма иғfir лий ватуб алайя ва ъатиний суълий ва важжих лий ал-хойра айнамаа таважжахту субҳааналлоҳи вал ҳамду лиллаҳи валаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар”.

**Маъноси:** Аллоҳим, Сенга юзландим ва Сенга таваккал қилдим. Сенинг Зотингни ирода қилдим. Аллоҳим гуноҳимни мағфират қилгин, тавбамни қабул қилгин, тилагимни бергин, қаерга бормай мени яҳшиликка рӯбарӯ қилгин. Аллоҳ барча айбу нуқсонлардан пок ва барча мақтovлар Аллоҳ учундир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Аллоҳ улуғдир.

Арафот майдонига етиб келгандан кейин қуёш тиккага келиб оғишидан олдинги туриш сахих эмас. Завол бўлгандан кейинги вуқуф сахих бўлади. Шу аснода Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га дуруду саломлар, талбия ва зикр айтиб, дуои хайлар билан билан шуғулланиш суннатdir.

Агар имкони бўлса, “Жабали Раҳмат (Раҳмат тоғи)”га яқин жойда туриш керак. Лекин тоқقا чиқишига ҳаракат қилмаслик

лозим. Чунки бу кунда у ер тиқилинч ва хавфли бўлиб, йиқилиб тушишлари мумкин. Жабали Раҳмат (Раҳмат тоғи)га яқин жойда туришни иложи бўлмаса, Арафотнинг қаерига чодири тикилган бўлса, ўша жойда туради. Чунки Арафотнинг ҳамма худуди вуқуф учун муносиб.

Заволдан кейин тезда аzon айтилади ва имом жума куни сингари хутба ўқийди. Икки ийд хутбаси каби аввалги хутба аввалида тўққиз марта такбир айтади. Иккинчи хутба аввалида эса етти марта такбир айтади. Хутба охирида ўн тўрт марта такбир, сўнг такбири ташриқ айтади.

Хутбадан кейин пешин билан аср намозини пешин намози вақтида икки иқомат билан ўқийди. Намоздан фориғ бўлгандан кейин асосий Арафотдаги вуқуф бошланади.

## МУЗДАЛИФАГА ОИД МАСАЛАЛАР

Муздалифада туриш Имом Абу Ҳанифа, Имом Шофиий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва Имом Молик (раҳматуллоҳи алайҳ)лар мазҳабларида вожиб амал ҳисобланади. Узрсиз тарқ қилган кишига тўртта мазҳабда ҳам жонлиқ сўйиш вожиб бўлади. Муздалифада туриш вақти ҳайит кунининг субҳи содигидан то қуёш чиққунчадир. Имом Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) наздида субҳи содикдан олдин ёки қуёш чиққандан кейин Муздалифада

туриш дуруст бўлмайди ва қурбонлик қилиши лозим бўлади.

Муздалифа жуда тиқилинч бўлса ёки жамраи ақаба ҳаддан зиёд тиқилинч бўлиши хавфи бўлса, бундай вазиятда заиф эркак ва аёллар Муздалифада туришни тарк қилишлари мумкин. Шунингдек, Арафотдан Муздалифага тиқилинч сабабли етиб келгунча қуёш чиқиб кетса, зиммасига ҳеч нарса лозим бўлмайди.

Тиқилинч сабабли Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам видолашув ҳажида Муздалифани тарк қилишга ижозат берганлар.

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: إِنَّ سَوْدَةَ بِنْتَ رَمْعَةَ كَانَتِ امْرَأَةً ضَحْمَةً  
 ثَبِطَةً فَاسْتَأْذَنَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ تُفِيضَ مِنْ  
 جَمْعٍ بِلِينٍ فَأَذِنَ لَهَا فَقَالَتْ عَائِشَةُ: فَلَيَنْتَيِ اسْتَأْذَنَتْ رَسُولَ اللَّهِ  
 صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَمَا اسْتَأْذَنَتْهُ سَوْدَةُ وَكَانَتْ عَائِشَةُ لَا  
 تُفِيضُ إِلَّا مَعَ الْإِمَامِ

*Оиша* (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади:

“Савда бинт Замъя (розияллоҳу анҳо) жуссалари катта, заиф аёл эдилар. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Жамъдан тунда тушиб кетишга рухсат сўради. Унга изн бердилар. Шунда Оиша (розияллоҳу анҳо): “Савда изн сўраганидек мен ҳам Расулуллоҳдан рухсат сўраганимда эди”, – деди. Оиша (розияллоҳу анҳо) факат имом билан (Муздалифадан) тушардилар”. (Мустахражи Абу Авона)

Мино тиқилинч бўлишидан олдин тош отиб олиш мақсадида Муздалифада туришни тарқ қилган кишига қурбонлик қилиш вожиб бўлади.

Ҳожи бомдод намозидан кейин такбир, таҳлил айтиб, Аллоҳ таолога хокисорлик қилиб, истакларини сўрайди. Чунки бу ер дуолар мақбул бўладиган жой ҳисобланади. Шайтонга тош отиш учун Муздалифадан тош териб олиш мустаҳабдир.

## МИНО МАСАЛАЛАРИ

لَيَشْهُدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ وَيَذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ فِي أَيَّامٍ مَغْلُومَاتٍ عَلَىٰ مَا رَزَقْنَاهُمْ مِنْ بَهِيمَةِ الْأَنْعَامِ فَكُلُوا مِنْهَا وَأَطْعِمُوا الْبَائِسَ النَّفِيرَ ثُمَّ لِيَقْضُوا تَقْتِلَهُمْ وَلَيُوْفُوا نُذُورَهُمْ وَلَيُنَظِّفُوا بِالْبَيْتِ الْعَتِيقِ

“Улар ўз (диний ва дунёвий) манфатларига шоҳид бўлиш учун ва маълум кунларда (Аллоҳ) уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларига (курбонлик учун сўйишда) Аллоҳ номини зикр қилиш учун келурлар. Бас, ундан ўзларингиз ҳам еяверинглар, бечора камбағалларга ҳам едиринглар!” (Ҳаж сураси 28-оят)

Ушбу ояти карималардаги Аллоҳ таоло Мино кунлари жамаротда тош отиш, қурбонлик қилинадиган жойга бориб қурбонлик қилиш ва соч олдириб эхромдан чиқиш кабилар

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

аҳамиятлидир. Ушбу амаллардан кейин Байтуллоҳ тавоғ қилинади.

. Аллоҳ таоло ўша кунларда қурбонлик қилишга ва қурбонлик гўштидан истеъмол қилишга тарғиб қилди. Қурбонлик қилгандан кейин эса соч олдириб, тирноқларни олиб, топ-тоза бўлишга ҳукм қилди. Булардан кейин Байтуллоҳни тавоғ қилишга амр қилди. Мино кунлари, яъни қурбонлик кунларида юқорида зикр қилинган учта амалларни мукаммал тарзда бажариш вожибдир.

وَاذْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ مَغْدُودَاتٍ فَمَنْ تَعَجَّلَ فِي يَوْمَيْنِ فَلَا إِثْمٌ عَلَيْهِ وَمَنْ تَأَخَّرَ فَلَا إِثْمٌ عَلَيْهِ لِمَنِ اتَّقَىٰ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّكُمْ إِلَيْهِ تُخْسِرُونَ

“Саноқли (маълум) кунларда Аллоҳни (кўпроқ) зикр қилингиз!\* Кимки икки кунда шошилса (ҳаж ишларини тугатиб кетса), унга гуноҳ йўқ. Ким (учинчи кунгача) кечикса, унга ҳам гуноҳ йўқдир, башарти тақволи бўлса. Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизки, сизлар, албатта, Унинг хузурига (қиёматда) тўпланурсизлар”. (Бақара сураси 203-оят)

Оятдан қуйидаги фойдалар олинади:

1. Ташриқ кунлари зикр билан банд бўлиш;
2. Ташриқ кунлари Минода туриш;

3. Қурбонлик кунидан кейинги ўн бир ва ўн иккинчи кунларнинг ҳам тошини отиш вожиб;

4. Ўн учинчи куннинг тошини отиш эса афзал ва яхши;

5. Аллоҳ таолодан хавфда туриш.

Қурбонлик кунлари – ўнинчи зулҳижжадан ўн иккинчи зулҳижжагача – уч кундир. Ҳайит куни жамраи ақабага тош отиш вожибдир. Соч олдириш, қурбонлик қилиш ва тавофи зиёратларни ушбу уч куннинг охирги кунигача кечиктириш мумкин. Уч кун ичидан бормаса, қурбонлик қилиши лозим бўлади

Ташриқ кунлари – ўн биринчи кундан бошлаб, ўн учинчи куннинг күёши ботгунчадир. Қурбонлик кунлари эса ўнинчи кундан бошлаб ўн иккинчи кунгачадир. Ушбу кунлар ичидан ўнинчи кун қурбонлик қилишга тайин қилинган кундир. Ўн учинчи кун эса ташриққа хос. Иккиси орасидаги икки кун қурбонлик билан ташриқ орасида муштаракдир. Наҳрнинг маъноси қурбонлик қилиш. Ташриқнинг маъноси эса гўштни куритиш.

Ташриқ такбирининг лафзлари қуйидагилар:

اللَّهُ أَكْبَرُ اللَّهُ أَكْبَرُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ وَبِلِهِ الْحَمْدُ

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

**“Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар лаа илаҳа  
иллаллоҳу валлоҳу акбар Аллоҳу акбар  
валиллаҳил ҳамд”.**

Маъноси: тўққизинчи зулхижжа куннинг бомдод намозидан ўн учинчи куннинг асригача ҳар фарз намоздан кейин эркакларга баланд овозда, аёлларга эса паст овозда бир марта ташриқ такбири айтиш вожибdir, яъни 23 та намозда ташриқ такбирини айтиш вожибdir. Ҳайит намози билан 24 та намоз бўлади. Жамоат билан ўқиладиган намозларда имом ташриқ такбирини айтишни эсдан чиқариб кўйса, иқтидо қилганлар имомни ёдига солишлари керак. Ташриқ такбири айтиш барча мусулмонларга вожибdir.

Ҳаж кунлари жами беш кун бўлиб, улар саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи зулхижжа кунларидир. Ушбу кунлардан тўрт кун Мино кунларидир. Улар саккизинчи, ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи зулхижжа кунларидир. Тўққизинчи зулхижжа Мино куни ҳисобланмайди. Балки, у кун арафа кунидир. Шу боис арафадан олдин бир кун ва арафадан кейин уч кун Мино кунлари ҳисобланади. Мино кунларини тўрт кун бўлиши ўн иккинчи зулхижжада Минодан чиқиб кетишни истаган кишилар учун. Чунки тўқсон тўққиз фоиз ҳожилар ўн иккинчи куни Минодан чиқиб кетадилар. Лекин ўн учинчи зулхижжа куни Минода қолишни истаган кишилар учун Мино кунлари беш кундир,

яъни юқоридаги кунларга ўн учинчи кун ҳам қўшилади.

Шариатда кечалар келаётган кунга тобе дейилган. Лекин ҳаж масалалари ва ҳақ кечаларида кеча келгуси кунга тобе эмас. Балки, ўтган кунга тобе ҳисобланади. Шунинг учун Муздалифа кечасини арафа кунига, қурбонлик кунининг кечасини қурбонлик кунига тобе дейилади. Шу эътибор билан ҳаж аҳкомлари бажарилади.

## ТАВОФ МАСАЛАСИ

وَإِذْ جَعَلْنَا الْبَيْتَ مَثَابَةً لِلنَّاسِ وَأَمْنَا وَاتَّخَذُوا مِنْ مَقَامِ إِبْرَاهِيمَ  
مُصَلَّى وَعَهَدْنَا إِلَى إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ أَنْ طَهَرَا بَيْتَنِي لِلطَّافِيفِينَ  
وَالْعَاكِفِينَ وَالرُّكُعَ السُّجُودُ

“Эсланг: Байт (Каъба)ни одамлар учун зиёратгоҳ ва хавфсиз жой қилиб қўйдик. “Иброҳим мақоми”ни намозгоҳ қилиб олишглар! Иброҳим билан Исмоилга: “Тавоф, эътикоф ва рукуъ-сужуд қилувчилар учун Байтимни поклангиз!” – деб буюордик”. (Бақара сураси 125-оят)

Байтнинг тўрт томонини айланишга тавоф дейилади. Тавоф етти турли бўлади. Улар қўйидагилар:

1. Тавофи қудум.<sup>2</sup> Тавофи қудумни тавофи лиқо (кўришув тавофи), тавофи вуруд (ташириф тавофи) ҳам дейилади. Бу ифрод ёки қирон ҳаж қилувчи оғоқий<sup>3</sup>га суннатдир. Маккалик ва оғоқий таматту ёки умра қилувчига суннат эмас.

Ифрод ҳаж<sup>4</sup> қилувчи ҳарамга киргандан кейиноқ тавоғ қилиб олади. Мазкур тавоғға қудум тавофи дейилади. Қирон қилувчи умра билан ҳажга бирга эхромга кириб, ҳарамга киргандан кейин биринчи умра арконларини адо қилиб бўлгандан кейин, нафл тарзида бир тавоғ қилади. Бу қирон қилувчининг “тавофи қудуми” ҳисобланади.

Эслатма: қирон ҳаж қилувчи аввал умра қилиб, кейин тавофи қудум қилиши суннатдир. Лекин унинг аксини қилиши, яъни биринчи тавофи қудум қилиб, кейин умра қилиши суннат эмас.

فَإِذَا دَخَلَ الْقَارِنُ مَكَّةَ إِنْتَدَأْ فَطَافَ بِالبَيْتِ سَبْعَةَ أَشْوَاطٍ يَرْمَلُ  
فِي الْثَّلَاثِ الْأُولَى وَيَسْعَى بَعْدَ الطَّوَافِ بَيْنَ الصَّفَّا وَالْمَرْوَةِ

<sup>2</sup> Тавофи қудум – Маккага биринчи кириб келганда килинадиган тавоғ.

<sup>3</sup> Мийқот ташқарисидан ҳаж ёки умра килиш учун ҳарами шарифга келган хожига айтилади. Масалан, Ўзбекистон, Миср, Шом, Африка, Ҳиндистон ва Яман каби шаҳарлардан ҳаж ёки умра килишга келган хожилар сингари.

<sup>4</sup> Мийқотдан факат ҳажга ёки маккаликлар ҳарамдан ҳажга эхромга киришларига ифрод ҳаж дейилади.

لَا فَعَالِ الْعُمَرَةِ ثُمَّ يَنْدَأُ بِأَفْعَالِ الْحَجَّ فَيَطُوفُ طَوَافَ الْقُدُومِ  
سَبْعَةً أَشْوَاطٍ إِلَّا

**“Кирон қилувчи Маккага кирса, Байтни етти марта тавоф қилади. Ундан аввалги утасини рамал қилади. Тавофдан кейин умра учун Сафо ва Марва тепалигига саъй қилади, сўнг ҳаж амалларига киришиб, етти бор тавофи қудум қилади”.** (Биноя)

**2. Тавофи нафл.** Нафл тавофни ким қачон хоҳласа қилиши мумкин бўлиб, у учун бирор муайян вакт тайин қилинмаган.

**3. Тавофи содар.** Миқотдан ташқаридан келувчи ҳар бир оғоқийга ватанга қайтиш олдидан байтни тавоф қилиши вожиб бўлади. Ушбу тавофга “тавофи видо”, “тавофи содар” дейилади. Буни ҳайз ва нифос кўриб қолган аёллар қилмайдилар. Шунингдек, Макка, миқот, ҳил аҳдлари ҳамда балоғатга етмаган болалар, мажнун, ҳаждан тўсилган кишилар ва умра қилувчи оғоқийларга тавофи содар қилиш вожиб эмас.

— Ушбу тавоф ҳақида батафсил маълумот “Тавофи видо” сарлавҳаси остида баён қилинади.

**4. Тавофи умра.** Умра қилувчига мазкур тавофни қилиш фарз ҳисобланади. Ундан

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

кейин Сафо билан Марва тепалигига сайди қилиш вожибдир. Бу ҳақда “Умра” мавзусида батафсил маълумот берилади.

**5. Тавофи назр.** Бир киши фалон ишим битса, Аллоҳ таоло учун бир тавоф қиласан, деган бўлса, ўша тавоф “тавофи назр” дейилади. У иш битгандан кейин ўша тавофни қилиши вожиб бўлади.

**6. Тавофи таҳийя.** Масжиди ҳарамга кирувчи кишига бир тавоф қилиши мустаҳаб бўлиб, ундан кейин икки ракат намоз ўқиши тавофнинг вожибидир. Бу масжидга кирувчиларга икки ракатли таҳийяти масжид ўқиш мустаҳаб бўлганига ўхшайди.

Агар бирор киши Масжиди Ҳарамга кириб тавофи зиёрат ёки тавофи кудум ёки тавофи назр ёки тавофи умра ёки тавофи садр қилса, бу ҳам тавофи таҳийя ўрнига ўтади ва у икки тавоф савобига эга бўлади.

**7. Тавофи зиёрат.** Тавофи зиёрат ҳар бир ҳожи учун фарз бўлиб, уни Арафотда туришдан олдин қилиш жоиз эмас. Тавофи зиёратнинг вақти Арафотдан кейин бўлиб, зулҳижжанинг ўнинчи кунидан ўн иккинчига қадар кун ботишдан олдин адо қилиниши вожибдир. Агар ундан кейин қилса, қилган тавофи дуруст бўлади, лекин вақтидан кечиктиргани учун бир курбонлик лозим бўлади.

Тавофи зиёрат ҳажнинг энг муҳим руқнларидан ҳисобланади. Унинг олтига номи бўлиб, улар қуидагилар:

1. Тавофи зиёрат;
2. Тавофи фарз;
3. Тавофи ифоза;
4. Тавофи руқн;
5. Тавофи явмин нахр;
6. Тавофи мафруз.

**طَوَافُ الْزِيَارَةِ وَيُسَمَّى طَوَافَ الْأَفَاضَةِ وَطَوَافَ يَوْمِ النَّحْرِ  
وَطَوَافَ الْمَفْرُوضِ الْخَ**

“Тавофи зиёрат – “тавофи ифоза”, “курбонлик кунининг тавофи” ва “фарз тавоф” деб номланади”. (“Раддул мухтор”)

Тавофи зиёрат саҳих бўлиши учун саккизта шартга риоя қилиш муҳим:

1. Тавоф қилувчи киши мусулмон бўлиши;

2. Байтуллоҳнинг атрофини Масжиди Ҳарамнинг ичидаги тавоф қилиш. Масжиди Ҳарамдан ташқарида тавоф қиласа, дуруст бўлмайди;

3. Тавофни ўзи бажариши лозим. Бирор киши ёки жониворга минганиб бажариши ҳам мумкин. Шунинг учун бошқасини номидан қилинган тавоф жоиз бўлмайди. Лекин тавофининг савобини бошқа кишига бағишлиши мумкин;

4. Энг камида тавофнинг тўрт айланасини тўлиқ бажариши шарт. Акс ҳолда тавофи

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

дуруст бўлмайди. Тўртта айланадан қолган учтаси вожиб бўлиб, фарз ёки шарт эмас;

5. Тавофи зиёратдан олдин эҳромга кирған бўлиши шарт. Гарчи, Арафот ва Мино амалларидан баъзисини адо қилгандан кейин эҳромдан чиқсан бўлса ҳам. Масалан, эҳромга кириб, Арафот, Муздалифада туриб, жамарату ақаба тошларини отиб, қурбонлик қилиб, соч олдириб эҳромдан чиқса ва ундан кейин тавофи зиёрат қилса жоиз бўлади;

6. Тавофи зиёратдан олдин Арафотда турган бўлиши шарт. Агар Арафотда туришдан олдин тавофи зиёрат қилса, тавофи жоиз бўлмайди;

7. Фарз тавофни ният қилган бўлиши. Агар фарз тавофни ният қилмай тавоф қилса, бу тавофи зиёрат бўлмайди.

8. Тавофи зиёратни қурбонлик куни ёки ундан кейин қилиш лозим. Агар тавофи зиёратни қурбонлик кунидан олдин қилса, жоиз бўлмайди. Қурбонлик кунидан бошлаб ўн иккинчи куннинг қуёши ботгунича тавофи зиёратни қилиш кароҳиятсиз жоиздир. Ўн иккинчи куннинг қуёши ботгандан кейин ёки бир неча кун ўтгандан кейин тавофи зиёратни қилиш қурбонликни вожиб қиласи. Лекин тавоф дуруст бўлаверади.

Юқоридаги саккиз шартлардан бирортаси топилмаса, тавофи зиёрат саҳих бўлмайди ва тавофнинг фарзи адо бўлмайди.

Аввалдаги түртта шарт ҳар қандай тавоғ учун лозимдир. Охирги шартлар эса факат тавоғи зиёрат учун хос.

Тавоғи зиёратда олтита амал вожиб бўлиб, улардан бирортасини тарқ қилган киши зиммасига жарима сифатида бир қурбонлик қилиш лозим бўлади. Китобда еттинчи вожиб зиёда қилиб қўшилган. Улар қуидагилар:

1. Курби етса, пиёда тавоғ қилиш. Агар узрсиз уловда ёки бирор нарсага миниб тавоғ қилса, вожибни тарқ қилгани учун зиммасига қурбонлик лозим бўлади.

2. Тавоғнинг етти айланасини ҳам тўлиқ қилиш. Агар бир ёки ярим айлана қолиб кетса, вожибни тарқ қилгани учун қурбонлик лозим бўлади.

3. Таҳоратли ҳолда тавоғ қилиш. Агар таҳоратсиз тавоғи зиёрат қилса, зиммасига қурбонлик вожиб бўлади. Агар жунуб ёки ҳайз ёки нифос ҳолатида тавоғи зиёрат қилса, жаримасига бир мол ёки бир туже қурбонлик қилиши шарт. “Ғуния жадид” китобида бу борада шундай шарт дейилган:

وَلَوْ طَافَ لِلزِيَارَةِ جُنُبًا أَوْ حَانِصًا أَوْ نُفَسَّاءَ كُلَّهُ أَوْ أَكْثَرَهُ وَهُوَ أَرْبَعَةُ أَشْوَاطٍ فَعَلَيْهِ بَذَنَةٌ وَقَوْلُهُ وَلَوْ طَافَ لِلزِيَارَةِ كُلَّهُ أَوْ أَكْثَرَهُ مُخْدِثًا فَعَلَيْهِ شَأْةٌ

“Тавоғи зиёратнинг ҳаммасини ёки кўпроғини, яъни тўрт айланани жунуб

ёки ҳайз ёки нифос ҳолатда тавоф қилса зиммасига бадана, яъни мол ёки тия сўйиш вожиб бўлади. Агар тавофи зиёратнинг ҳаммасини ёки аксарини таҳоратсиз қилса, зиммасига қўй сўйиш лозим бўлади”. (“Фуния жадид”)

Агар жунуб, ҳайз ёки нифос ҳолатда озрок бўлсада зиёрат тавофи қилса, қўй ёки эчки сўйиш вожиб бўлади;

4. Аврат жойларни тўсиш. Агар намозни бузадиган даражада авратини очиб тавофи зиёрат қилса, вожибни тарк қилгани учун курбонлик қилиши лозим.

وَلَوْ طَافَ كُلُّهُ أَوْ أَكْثَرَهُ مَكْشُوفَ الْعَوْرَةِ قَدْرَ مَا لَا تَجُوزُ  
الصَّلَاةُ مَعْهُ بِلَا عُذْرٍ فَعَلَيْهِ دَمُ الْخِ

“Агар тавофи зиёратнинг ҳаммасини ёки кўпроғини узрсиз у билан намоз жоиз бўлмайдиган микдор (ҳар бир аъзонинг тўртдан бири очилган ҳолат)да аврати очиқ ҳолатда тавоф қилса, зиммасига курбонлик қилиш лозим бўлади”. (“Фуния жадид”)

5. Курбонлик куни, яъни зулхижжанинг ўнинчи билан ўн иккинчи кунлари оралиғида тавофи зиёрат қилиш. Агар ўн иккинчи зулхижжа куни ўтиб кетгунича тавофи зиёратни қилмай, сўнг тавофи зиёратни адо қилса, фарз қилинган тавоф адо бўлади. Лекин

тавофи зиёратни ўз вақтидан кечиктиргани учун зиммасига қурбонлик вожиб бўлади.

6. Ўнг томондан ва ўнг қўлдан тавофи зиёрат қилиш. Агар чап тарафдан тавоф қилса, қурбонлик лозим бўлади.

*لَوْ أَخَذَ عَنْ يَسَارِهِ وَهُوَ الطَّوَافُ الْمَنْكُوسُ فَطَافَ كَذَلِكَ سَبْعَةَ أَشْوَاطٍ لَا يَغْتَدِ بِطَوَافِهِ عِنْدَنَا، وَيُعِيدُهُ مَا دَامَ بِمَكَّةَ وَإِنْ رَجَعَ إِلَى أَهْلِهِ قَبْلَ الْإِعَادَةِ فَعَلَيْهِ دَمٌ*

“Агар ҳожи чап тарафдан тавоф қилишни бошласа, тавоф тескари бўлиб қолади. Тескари қилинган тавофни Маккадан кетиб қолмаган бўлса, қайтадан қилади. Бу бизнинг наздимиздадир. Қайта адо қилишдан олдин юртига кетиб қолса, зиммасига қурбонлик лозим бўлади” (Айний);

7. Тавофдан кейин икки ракат тавоф намозини ўқиши. Ушбу ҳукм барча тавофларга тегишли. Лекин тавоф намозини тарқ қилган кишига қурбонлик лозим бўлмайди. Шунингдек, ушбу намозни ўлгунича Ҳарам худудида ҳам ҳамда ундан ташқарида ўқиш ҳам жоиздир.

*وَمِنَ الْوَاجِبَاتِ رَكْعَتَا الطَّوَافِ الْخَ*

ёки ҳайз ёки нифос ҳолатда тавоф қилса зиммасига бадана, яъни мол ёки тия сўйиш вожиб бўлади. Агар тавофи зиёратнинг ҳаммасини ёки аксарини таҳоратсиз қилса, зиммасига кўй сўйиш лозим бўлади”. (“Фуния жадид”)

Агар жунуб, ҳайз ёки нифос ҳолатда озрок бўлсада зиёрат тавофи қилса, кўй ёки эчки сўйиш вожиб бўлади;

4. Аврат жойларни тўсиш. Агар намозни бузадиган даражада авратини очиб тавофи зиёрат қилса, вожибни тарк қилгани учун курбонлик қилиши лозим.

وَلَوْ طَافَ كُلُّهُ أَوْ أَكْثَرَهُ مَكْشُوفَ الْغَورَةِ قَدْرَ مَا لَا تَجُوزُ  
الصَّلَاةُ مَعْهُ بِلَا عُذْرٍ فَعَلَيْهِ دَمُ الْخَ

“Агар тавофи зиёратнинг ҳаммасини ёки кўпроғини узрсиз у билан намоз жоиз бўлмайдиган микдор (ҳар бир аъзонинг тўртдан бири очилган ҳолат)да аврати очиқ ҳолатда тавоф қилса, зиммасига курбонлик қилиш лозим бўлади”. (“Фуния жадид”)

5. Курбонлик куни, яъни зулхижжанинг ўнинчи билан ўн иккинчи кунлари оралиғида тавофи зиёрат қилиш. Агар ўн иккинчи зулхижжа куни ўтиб кетгунича тавофи зиёратни қилмай, сўнг тавофи зиёратни адо қилса, фарз қилинган тавоф адо бўлади. Лекин

тавофи зиёратни ўз вақтидан кечиктиргани учун зиммасига қурбонлик вожиб бўлади.

6. Ўнг томондан ва ўнг қўлдан тавофи зиёрат қилиш. Агар чап тарафдан тавоф қилса, қурбонлик лозим бўлади.

**لَوْ أَخَذَ عَنْ يَسَارِهِ وَهُوَ الطَّوَافُ الْمُنْكُوشُ فَطَافَ كَذَلِكَ سَبْعَةَ أَشْوَاطٍ لَا يَغْتَدِ بِطَوَافِهِ عِنْدَنَا، وَيُعِيدُهُ مَا دَامَ بِمَكَّةَ وَإِنْ رَجَعَ إِلَى أَهْلِهِ قَبْلَ الْإِعَادَةِ فَعَلَيْهِ دَمٌ**

“Агар хожи чап тарафдан тавоф қилишни бошласа, тавоф тескари бўлиб қолади. Тескари қилинган тавофни Маккадан кетиб қолмаган бўлса, қайтадан қиласди. Бу бизнинг наздимиздадир. Қайта адо қилишдан олдин юртига кетиб қолса, зиммасига қурбонлик лозим бўлади” (Айний);

7. Тавофдан кейин икки ракат тавоф намозини ўқиш. Ушбу ҳукм барча тавофларга тегишли. Лекин тавоф намозини тарқ қилган кишига қурбонлик лозим бўлмайди. Шунингдек, ушбу намозни ўлгунича Ҳарам худудида ҳам ҳамда ундан ташқарида ўқиш ҳам жоиздир.

**وَمِنَ الْوَاجِبَاتِ رَكْعَتَا الطَّوَافِ الْخَ**

“Тавофи зиёратнинг вожибларидан яна бири тавофдан кейин икки ракат намоз ўқиши”. (“Ғуния жадид”)

وَلَا يُخْبِرُ تَرْكُها بِالْمَوْتِ عَنْهَا بِدِمٍ أَوْ غَيْرِهِ الْغَ

“Ўлганлиги туфайли тавофи зиёратни тарқ қилса, жонлиқ сўйинш ёки бошқа бирор нарса билан унинг ўринини тўлдириб бўлмайди”. (“Ғуния жадид”)

Ҳайит куни ақаба тошларини отгандан кейин аввал қурбонлик қилиб, сўнг соч олдириб тавофи зиёрат қилиш суннатдир. Агар унга қурбонлик вожиб бўлмаса, тош отгандан кейин соч олдириб, тавофи зиёратни адо қиласди.

Агар ҳайит куни соч олдириш ва қурбонлик қилишдан олдин тавофи зиёрат қилса, қилган тавофи жоиз бўлади. Тавофнинг бундан ташқари ҳам турли суннатлари мавжуд бўлиб, куйида улардан баъзиларини зикр қиласми:

1. Рамал. Рамалнинг маъноси тавоф вақтида кўксини кериб, қўлни қимирлатиб, қадамларни яқин-яқин ташлаб, гердайиб тез юрищдир. Орқасидан саъй қилинадиган ҳар бир тавофнинг аввалги уч айланасида рамал қилиш эркакларга суннатдир.

وَالرَّمَلُ سُنَّةٌ فِي كُلِّ طَوَافٍ بَعْدَهُ سَفَرٍ حَتَّىٰ فِي طَوَافِ الصَّدْرِ  
لَوْلَمْ يَسْعَ بَعْدَهُ

“Орқасидан саъй қилинадиган ҳар бир тавофда рамал қилиш суннатдир. Ҳатточи, тавофи содарда ҳам, гарчи ундан кейин саъй қилинмасада”. (“Ғуния жадид”)

وَالرَّمْلُ فِي الْثَّلَاثَةِ الْأَوَّلِ وَالْمَشْيُ عَلَى هَيْنَتِهِ فِي الْأَرْبَعَةِ  
الْبَاقِيَةِ

“Рамал аввалги уч айланада суннат бўлиб, қолган тўрттасида ўз ҳолича юриш суннатдир”. (“Ғуния жадид”)

Агар ҳожи аввалги бир айланада рамал қилишни эсдан чиқариб қўйса, қолган икки айланадагина рамал қиласди. Шунингдек, кимдир аввалги уч айланада рамал қилишни эсдан чиқариб қўйса ёки қасддан тарк қилса, қолган айланаларда рамал қила олмайди.

فَلَوْ تَرَكَ الرَّمْلَ فِي الشَّوَّطِ الْأَوَّلِ أَوْ نَسَيَهُ لَا يَرْمَلُ إِلَّا فِي  
شَوَّطَيْنِ وَلَوْ فِي الْثَّلَاثَةِ لَا يَرْمَلُ فِيمَا بَعْدَهَا

“Агар аввалги уч айланада рамал қилишни тарк қилса ёки эсдан чиқариб қўйса, иккинчи ва учинчи шавтларда рамал қиласди. Агар учала шавтда рамал қилишни тарк қилса ёки эсдан чиқариб қўйса, қолган шавтларда рамал қилмайди”. (“Ғуния жадид”)

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

Бирор киши билмай тавофни барча айланасида рамал қилса, шунингдек, тавофнинг барча айланасини рамалсиз қилса ҳам тавофи саҳиҳ бўлади. Лекин бундай қилиш макрухи танзихийдир.

2. Изтибоъ. Эҳромнинг юқоридаги қисмини ўнг қўлтиқ остидан ўтказиб, чап елкага ташлаб, ўнг елкани очик қолдиришга изтибоъ дейилади. Уни тавофнинг барча айланаларида қилиш суннатдир.

وَأَمَّا سُنْنُ الطَّوَافِ فَالإِضْطِبَاعُ فِي جَمِيعِ أَشْوَاطِهِ وَيَنْبَغِي أَنْ  
يَقْعُلَهُ قَبْلَ الشُّرُوعِ فِي الطَّوَافِ بِقَلْبِ

**“Тавофнинг суннатларидан бири барча шавтларда изтибоъ қилиб олишдир. Уни тавофга киришишдан бироз олдин қилиш лозим”.** (“Ғуния жадид”)

Изтибоъ суннат бўлган тавофда эҳром ҳолатда бўлиш ва тавофдан кейин Сафо ва Марва тепалигида саъй қилиш керак бўлади. Шунинг учун рамал билан изтибоъ икки жиҳатга кўра фарқланади:

1. Рамални эҳром ҳолатда қилиш шарт эмас. Изтибода эса эҳром шарт. Шунинг учун Арафотдан олдин Сафо ва Марва тепалигида саъй қилмаган киши қурбонлик куни тош отганидан кейин соч олдириб, эҳромни ечиб ва тикилган кийим кийиб, тавофи зиёрат ва

саъй қиласи. Бу тавофда рамал қилиш суннат бўлади. Ҳожи эхромдан чиққани сабабли изтибоъ суннат бўлади.

2. Рамал тавофининг аввалги уч айланасида суннатдир. Изтибоъ барча айланишда суннат хисобланади. Ҳолоса қилиб айтганда, қайси тавофда изтибоъ суннат бўлса, унда эхромда бўлиш ва у тавофдан кейин саъй қилиш шарт. Изтибоъ ҳам фақат эркаклар учун.

3. Истилом деб икки қўлни қора тошга текказиб, қўлни ўпишга айтилади. Ҳар тавофининг аввали ва охирида истилом қилиш суннатдир. Ҳар айланани тугатганида ҳажари асвадни ўпиш эса мустаҳабдир. Тавофдан кейин Сафо ва Марва тепалигида саъй қилмоқчи бўлса, тавоф намозидан кейин истилом қилиб, Сафо томонга бориш суннатдир. Орқасида саъии бор ҳар бир тавофдан кейин, Сафо ва Марва томонга чиқишдан олдин ҳажари асвад истилом қилинади. Истилом қилишнинг йўли қора тош тўғрисига келиб, намоздаги каби икки қўл кулоқ ёки елка баробарида кўтарилади. Қўл кўтараётган пайтда такбир айтилади. Икки кафтини қора тошга қўйиб, лаби билан уни ўпади. Агар қора тошни ўпиш имкони бўлмаса, қўлини тошга теккизиб ўпади. Агар ҳажари асвадга қўл теккизишнинг ҳам имкони бўлмаса, ҳасса ёки шу каби бирор нарсани унга текказиб, ҳассани ўпади. Расулуллоҳ

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

(соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам муборак ҳассалари билан истилом қилғанлар. Агар буни ҳам қила олмаса, ҳажари асвадга юзланиб, иккى кафтини у томонга қилиб, такбир айтади. Фуқаҳолар такбир билан биргалиқда “Ла илаҳа иллаллоҳу вал ҳамду лиллаҳ” дейиш ва Расулуллоҳга солавот айтишни зикр қилғанлар. Ҳозирги кунда ҳажари асвадга турли хил хушбўйликлар суртилади. Шу сабабли эхромдаги одам бундан эҳтиёт бўлиши лозим. Чунки кишига хушбўйлик ишлатиш тақиқланган. Агар ҳажари асвадни ўпганда қўли ёки лаби хушбўйланса, каффорот вожиб бўлади.

وَقَالُوا فِيمَنْ اسْتَلَمَ الْحَجَرَ فَأَصَابَ يَدَهُ مِنْ طَبِيبٍ: إِنَّ عَلَيْهِ  
الْكَفَارَةَ؛ لِأَنَّهُ اسْتَعْمَلَ الطَّبِيبَ، وَإِنْ لَمْ يَقْصِدْ بِهِ التَّطَبِيبَ،  
وَوُجُوبُ الْكَفَارَةِ لَا يَقْفَدُ عَلَى الْقَضِيدِ ..

“Ҳажарни ўпганлиги сабабли қўлига хушбўйлик теккан киши ҳақида: “Зиммасига каффорот лозим бўлади”, – деганлар. Чун-ки у киши гарчи хушбўйланишни қасд қилмаган бўлса хушбўйликни истеъмол қилди. Каффоротнинг вожиб бўлиши ниятга тўхтамайди”. (“Бадоус саноиъ”)

Тавоғ вақтида зарурат миқдорича кўришиш ёки гаплашиш жоиз.

لا بأس بان يتكلم بكلام يحتاج اليه بقدر الحاجة ويشرب  
ويفعل كل ما يحتاج اليه.

“Тавоф мобайнида ҳожат микдорича сўзлашиш, ейиш, ичиш ва ҳожати тушадиган нарсаларни қилишда зарар йўқ”. (“Ғуниян носик”)

Лекин ортиқча гап-сўз макрухdir.

وَأَمَّا كُرَاهَةُ الْكَلَامِ فَالْمُرَادُ فُضُولُهُ إِلَّا مَا يَحْتَاجُ إِلَيْهِ بِقَدْرِ  
الْحَاجَةِ.

“Ортиқча гап-сўз макрухdir. Ҳожат микдоричаси эса бундан мустасно”. (“Фатхул қодийр”)

Ҳеч қайси тавофда баралла овоз чиқариб талбия айтиш жоиз эмас. Фақат баъзи тавофларда махфий ва оҳиста талбия айтиш жоиз. Улар куйидагилар:

1. Қирон ҳаж қилувчи умра тавофида махфий тарзда талбия айтиши. Чунки унинг талбияси қурбонлик кунининг ақаба тошларини отгунича давом этади.

2. Қирон ҳаж ҳам қилувчи ҳаждан олдин нафл тавоф қилса, унда ҳам оҳиста талбия айтади.

3. Қирон ҳаж ҳам қилувчи умрадан фориғ бўлгандан кейин тавофи кудум қилаётганда ҳам оҳиста талбия айтади.

4. Ифрод ҳаж қилувчи тавофи қудум қилганда оҳиста талбия айтади. Чунки унинг эхроми ҳаждан фориғ бўлиб, соч олдиргунича боқий, туради. Талбия эса ақаба тошларини отгунича давом этади.

5. Ифрод ҳаж қилувчи ҳаждан олдин нафл тавоф қилса, оҳиста талбия айтади. Ушбу бешта тавофда талбия айтиш мумкин. Лекин талбияни жаҳрий айтишга ижозат берилмайди. Чунки талбия жаҳрий айтилса, одамлар ташвиш ва қўркувга тушиб қолишлари мумкин. Тавоф вақтида талбия ўрнига бошқа дуо ва зикрларни айтиш афзал. Баъзи бир тавофларда оҳиста талбия айтишга ҳам ижозат берилмайди. Улар куйидагилар:

1. Ватанга қайтишда қилинадиган тавофи видода;
2. Умра тавофида;
3. Эҳромсиз қилинган тавофи назрда;
4. Эҳромсиз қилинган нафл тавофда.

Тавоф вақтида Куръони карим ўқишдан зикр ва дуо қилиш афзал. Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайх) наздида тавоф вақтида тиловат қилиш муносиб бўлмаган ишдир.

*الذَّكْرُ أَفْضَلُ مِنِ الْقِرَاءَةِ فِي الطَّوَافِ*

“Тавофда қироат қилишдан кўра зикр афзалдир”. (Бахрур роиқ)

عَنْ أَبِي حَنِيفَةَ لَا يُنْبَغِي لِلرَّجُلِ أَنْ يَقْرَأَ فِي طَوَافِهِ وَلَا بَأْسَ  
بِذِكْرِ اللَّهِ تَعَالَى

“Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайх)дан ривоят қилинишича, киши тавофида қироат қилмаслиги лозим. Лекин Аллоҳнинг зикрини қилишида зиён йўқдир”. (“Раддул мухтор”)

Имкони бўлса тавоф намозини мақоми Иброҳим (алайхиссалом) олдида ўқиш афзал. Агар уни олдида ўқишга имкон бўлмаса, ҳатим ичидан раҳмат тарнови остида ўқилади. Агар у ерда ҳам ўқишни иложи бўлмаса, Масжиди ҳарамнинг хоҳлаган жойида ўқиши мумкин. Агар масжиди ҳарамда ҳам ўқий олмаса, ҳарам худудининг қайси жойида ўқиса ҳам жоиз бўлаверади.

وَيُسْتَحِبُّ مُؤَكِّدًا أَدَأُوهَا خَلْفَ الْمَقَامِ ثُمَّ فِي الْكَعْبَةِ ثُمَّ فِي الْحِجْرِ  
تَحْتَ الْمِيزَابِ، ثُمَّ كُلُّ مَا قَرُبَ مِنَ الْحِجْرِ إِلَى الْبَيْتِ ثُمَّ بَاقِي  
الْحِجْرِ ثُمَّ مَا قَرُبَ إِلَى الْبَيْتِ ثُمَّ الْمَسْجِدُ ثُمَّ الْحَرَمُ ثُمَّ لَا أَفْضَلَيَّةَ  
بَعْدَ الْحَرَمِ بَلِ الْإِسَاءَةُ... وَلَوْ صَلَّاهَا خَارِجَ الْحَرَمِ، وَلَوْ بَغَدَ  
الرُّجُوعُ إِلَى وَطَنِهِ جَازَ وَيُكْرَهُ

“Тавоффдан кейин ўқиладиган намозни мақоми Иброҳим ортида адо қилиш таъкид-

## ИСЛОМНИҢ БЕШ УСТУНИ

ланган мустаҳабдир. Сүнг Каъбанинг ичида, сўнг ҳажарнинг олдида, сўнг тарнов остида, сўнг ҳажарга яқин бўлган жойда, сўнг бошқа хоналарда. Сўнг Байтуллоҳга яқин жойларда, сўнг масжиди ҳарамда, сўнг ҳарамда ва ҳарамдан ташқарида ўқишида фазилат йўқ. Балки гуноҳкор бўлиш бордир. Агар тавоғнинг икки ракат намозини ҳарамдан ташқарида ўз ватанига қайтиб келгандан кейин ўқиса жоиз, лекин бу макруҳ бўлади”. (“Раддул муҳтор”)

## **ҲАЖНИНГ ВОЖИБЛАРИ**

Ҳажнинг вожиблари иккига бўлинади:

1. Тарқ қилиш билан қурбонлик шарт бўладиган;
2. Тарқ қилиш билан қурбонлик шарт бўлмай-диган.

Биринчи турдаги амалларни бажармаслик ҳажни бузмасада, ибодатга нуқсон етиб қолади. Шунинг учун тарқ қилинган амални қайтадан қила олмаса, ўрнини тўлдириш учун жарима сифатида қурбонлик сўйиш вожиб бўлади. Борди-ю, ўзига боғлиқ бўлмаган узр туфайли вожиб амаллардан бирортасини бажармаса, бўйнига жарима, яъни қурбонлик вожиб бўлмайди. Бунда вожиб амални қасддан, унутиб ёки янгишиб тарқ қиласидими фарқи йўқ.

والضوابط ان كل ما يجب بتركه دم فهو واجب

**“Қатъий қоңда шуки, қайси амални тарк қилиш қурбонликни талаб қылса, у вожиб амалдир”. (“Дүррүл мухтор”)**

Хажнинг йигирма учта энг муҳим вожиблари бор. Улар куйидагилар:

1. **Миқотдан эхромга кириш.** “Миқот” сўзи луғатда “белгиланган вақт” деган маънони англатади. Ҳаж ибодатида эса эхромга кириладиган жой маъносини англатади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) жами олтида миқотни зикр қилғанлар. Улардан тўрттаси, яъни Зул Ҳулайфа, Жұхфа, Яламлам, Қорнул Манаазиллар сахих ривоят билан событ бўлган. Зоти Ирқ билан Водий Ақиқ баҳсли мавзудир. Миқотдан ташқарида яшовчилар ҳаж ёки умра қилиш мақсадида Маккага киришмоқчи бўлишса, мазкур белгиланган жойлардан эхромсиз ўтиб кетишлари жоиз эмас. Агар эхромсиз миқотдан ўтиб кетишса, зиммаларига қурбонлик лозим бўлади. Ҳожилар Маккага қайси томондан келишларига қараб миқот турлича бўлади. Масалан, Мадинадан Маккага келувчи ҳожилар Зул Ҳулайфадан эхромга кирадилар. Уни Али (розияллоҳу анху) қудуғи, яъни “Обору Али (розияллоҳу анху)” ёки “Абёру Али (розияллоҳу анху)” ёки “Беъру

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

Али (розияллоҳу анҳу)” ҳам дейилади. У Маккаи мұкаррамадан 410 километр узоқликда жойлашган.

Миқот билан ҳарам ҳудудининг ўртасида яшовчилар, яъни миқот ичида истиқомат қилувчилар турған жойларидан эхромга кирадилар. Маккаликлар ҳам ҳаж ибодати учун уйларидан эхромга кирадилар. Лекин умра ибодати учун ҳарамдан ташқарига, яъни “хил”га чиқиб келадилар. “Хил” деб миқот билан ҳарам ўртасидаги жойларга айтилади.

عَنْ أَنَسَ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ ”رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَتَ لِأَهْلِ الْمَدِينَةِ ذَا الْحُلَيْفَةِ، وَلِأَهْلِ الشَّامِ الْجُخَفَةِ، وَلِأَهْلِ الْبَصْرَةِ ذَاتَ عَرْقٍ، وَلِأَهْلِ الْمَدَائِنِ الْعَقِيقِ“  
”مَوْضِعُ قُرْبَ ذَاتِ عَرْقٍ“

*Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу):*

“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи васаллам) Мадина аҳлигага Зул Ҳулайфани, шом аҳлигага Жұхғани, Басра аҳлигага Зоти Ирқни ва Мадоин аҳлигага Зоти Ирқга яқин жой Ақиқни миқот қилиб белгилаганларини эшиитганман”, деди. (Таҳовий, Муъжамул кабир)

عَنْ ابْنِ عَبَّاسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ”أَنَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَتَ لِأَهْلِ الْمَشْرُقِ الْعَقِيقِ“

*Ибн Аббос (розияллоху анхұ)дан ривоят қилинади:*

**“Набий (соллаллоху алайҳи васаллам) машриқ аҳлига Ақиқни миқот қилиб белгиладилар”.** (Термизий ривояти)

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَتَ لِأَهْلِ الْمَدِينَةِ ذَا الْخُلَفَةِ وَلِأَهْلِ الشَّامِ الْجُحْفَةَ وَلِأَهْلِ تَجِدِ قَرْنَ الْمَنَازِلِ وَلِأَهْلِ الْيَمَنِ يَلْفَلِمَ وَقَالَ هُنَّ لَهُمْ وَلِكُلِّ آتٍ أَتَى عَلَيْهِنَّ مِنْ غَيْرِهِنَّ مِمَّنْ أَرَادَ الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ وَمَنْ كَانَ دُونَ ذَلِكَ فَمِنْ حَيْثُ أَنْشَأَ حَتَّى أَهْلُ مَكَّةَ مِنْ مَكَّةَ

*Ибн Аббос (розияллоху анхұмо) дан ривоят қилинади:*

“Расулуллох (соллаллоху алайҳи васаллам) Мадина аҳлига Зул Хулайфани, Шом аҳлига Жухфани, Нажд аҳлига Қорнүл Манаазилни, Яман . аҳлига Яламламни миқот қилиб белгилаб: “Булар улар учун ва улардан бошқа ҳаж ва умра қилишни истаб келувчиларғадир. Ким улардан ичкарида бўлса, қаердан ҳажга чиққан бўлса, ўша жойдан эхромга киради. Ҳатто, Макка аҳли Маккадандир”, – дедилар”. (Муслим ривояти)

**2. Сафо билан Марва тепалигига саъй қилиш.** Икки тепалик орасида саъй қилишни тарқ қилган кишига жарима сифатида курбонлик қилиш лозим бўлади. Абу Ҳанифа

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

(раҳматуллоҳи алайҳ) наздида икки тепалик орасида сай қилиш вожибdir. Имом Молик, Имом Аҳмад ва Имом Шофий (раҳматуллоҳи алайҳ)лар наздида ҳажнинг рукни ва фарзи хисобланади.

**3. Саъидан олдин тавоф қилиш.** Сафо ва Марва тепалигида саъи қилиш қайсиdir тавофдан кейин бўлиши лозим. Шунга биноан ҳар саъидан олдин тавоф бўлиши вожибdir. У хоҳ тавофи қудум бўлсин, хоҳ тавофи зиёрат бўлсин, хоҳ тавофи нафл бўлсин. Агар саъи қилишдан олдин тавоф қилинmasa, зиммасига қурбонлик лозим бўлади.

*وَكَوْنُ السَّعْيِ بَعْدَ طَوَافِ مُغْتَدِّ بِهِ*

**“Эътиборлиси шуки, тавофдан кейин саъи бўлиши вожибdir”.** (“Дуррул мухтор”)

*وَلَوْ سَعَى قَبْلَ الطَّوَافِ لَمْ يُغْتَدِّ بِهِ فَإِنْ لَمْ يَعْدُهُ فَعَلَيْهِ ذَمَّ*

**“Тавофдан олдин саъи қилса, эътиборга олинмайди ва қайтариб қилмаса, зиммасига қурбонлик вожиб бўлади”;** (“Ғуния жадид”)

**4. Сафо ва Марва тепалигида пиёда саъи қилиш.** Соғлом одам Сафо ва Марва орасида яёв саъи қилиши вожибdir. Агар узрсиз уловда саъи қилса, бўйнига қурбонлик лозим бўлади.

**5. Тавофни пиёда қилиш.** Кудрати етган киши тавофни яёв қилиши вожибdir.

Имконияти бўла туриб уловда тавоф қилиш курбонликни вожиб қилади.

المَشْيُ فِيهِ أَيْ فِي الطَّوَافِ لِمَنْ لَيْسَ لَهُ عُذْرٌ... فَلَوْ تَرَكَهُ بِلا  
عُذْرٍ أَعَادَهُ وَإِلَّا فَعَلَيْهِ دَمٌ لَا الْمَشْيُ وَاجِبٌ عِنْدَنَا

“Узри бўлмаган кишига пиёда тавоф қилиши вожибdir... узрсиз пиёда тавоф қилишни тарк қилиб, уловда тавоф қилса, уни қайтадан қилади. Агар қайтадан пиёда тавоф қилмаса зиммасига курбонлик қилиш вожиб бўлади. Чунки пиёда тавоф қилиш бизнинг мазҳабда вожибdir”. (“Раддул муҳтор”)

**6. Таҳорат билан тавоф қилиш.** Таҳорат билан тавоф қилиш вожибdir. Шунинг учун ким таҳоратсиз тавоф қилса, курбонлик қилиши вожиб бўлади. Ҳайз, нифос ёки жанобат ҳолатида тавоф қилинса, жаримасига мол ёки тую сўйиши вожиб бўлади.

Агар тавофи зиёратдан бошқа тавофларни, жумладан, тавофи қудум, тавофи видо, тавофи нафл кабиларни таҳоратсиз ҳолда қилса, курбонлик вожиб бўлмайди. Балки, ҳар бир айланага битта, жами еттита садақаи фитр вожиб бўлади.

**7. Тавофда авратни ёпиш.** Тавоф ҳолатида авратни ёпиш вожибdir. Агар авратни тўсмай тавоф қилса, зиммасига курбонлик вожиб бўлади.

وَسْتُرُ الْعَوْرَةِ فِيهِ وَبِكَشْفِ رُبُّ الْعُضُوِ فَأَكْثَرَ كَمَا فِي الصَّلَاةِ  
يَجِبُ الدُّمُ

“Тавофда авратни тўсиш вожибdir. Намоздаги каби аъзонинг тўртдан бирини очиш ёки кўпроғини очганлиги сабабли курбонлик вожиб бўлади”. (“Раддул мухтор”)

8. Фарз зиёрат тавофини курбонлик кунлари қилиш. Тавофи зиёратни ҳайит кунлари қилиш вожибdir. Агар ундан ўтиб кетса, ҳожи зиммасида тавофи зиёрат қилиш қолади ва бўйнига курбонлик ҳам вожиб бўлади.

9. Ҳатимнинг ташқарисида тавоф қилиш. Ҳатим бу Байтуллоҳнинг бир қисми бўлиб, шимол тарафида. Унга ёнма-ён одам бўйи бараварида баланд девор билан ўралган. Тавофни Каъбанинг ҳатими ташқарисида қилиш вожибdir. Агар тавофи зиёратни унинг ичкарисида қилиб, ватанига қайтиб кетса, вожибни тарк қилганлиги учун зиммасига курбонлик вожиб бўлади. Агар тавофни ҳатимни орқасидан қайтадан қилса, жарима соқит бўлади.

وَلَوْ طَافَ فِي دَاخِلِ الْحِجْرِ فَعَلَيْهِ أَنْ يُعِيدَ؛ لِأَنَّ الْحَطِيمَ لَمَّا كَانَ  
مِنِ النَّبِيِّتِ فَإِذَا طَافَ فِي دَاخِلِ الْحَطِيمِ فَقَدْ تَرَكَ الطَّوَافَ بِغَضِّ  
النَّبِيِّتِ، وَالْمَفْرُوضُ هُوَ الطَّوَافُ بِكُلِّ النَّبِيِّتِ لِقَوْلِهِ تَعَالَى

{وَلْيَطَّوِّفُوا بِالْبَيْتِ الْعَتِيقِ} ... وَلَوْ لَمْ يُعْذَ حَتَّى عَادَ إِلَى أَهْلِهِ  
يَجِبُ عَلَيْهِ الدَّمُ.

“Ҳатимни ичкарисидан тавоф қилса, уни қайтадан қилиши вожиб бўлади. Чунки ҳатим Байтдан ҳисобланади. Унинг ичкарисидан тавоф қилиш билан Каъбанинг баъзисини тавоф қилган бўлиб қолади. Аллоҳ таолонинг “Байти атийқни тавоф қилинглар”, деган ояти каримасини далили билан унинг тўлиғича айланиш фарздир. Ҳатим ичкарисидан қилган тавофини қайтадан қилмасдан ўз юртига кетиб қолса, зиммасига қурбонлик вожиб бўлади”. (“Бадоус санойъ”)

10. Куёш ботишидан аввал Арафотдан тушмаслик. Куёш ботгандан кейин Арафотда тушиш вожибдир. Бундан аввал Арафот майдонини тарк қилган кишига қурбонлик вожиб бўлади.

11. Арафотда тургандан кейин соч олдиргунича эхромда тақиқланган нарсалардан ўзини йирокда тутиш. Арафотда тургандан кейин эхромда сакланиш керак бўлган нарсалардан эхромдан чиқмагунича сакланиши ва ўзини у ишлардан йирокда тутиши вожибдир. Масалан, Арафотда тургандан кейин аёли билан қўшилишдан ёки тикилган кийим кийишдан ёки бош ёки юзни ёпишдан ўзини тииши вожибдир. Акс ҳолда жонлиқ сўйиш вожиб бўлади.

12. Муздалифада туриш. Муздалифа Арафот билан Мино орасида жойлашган жойнинг номи. У ерни “жамъ”, “Машъарил ҳаром” деб ҳам аталади. Қурбонлик куни субҳи содик билан қуёш чиқиши орасида у ерда туриш вожибдир. Уни узрсиз тарк қилган кишига қурбонлик вожиб бўлади.

وَمَنْ تَرَكَ الْوُقُوفَ بِالْمُزْدَلِفَةِ فَعَلَيْهِ دَمٌ

“Муздалифада туришни тарк қилган киши зиммасига қурбонлик вожиб бўлади” (“Ҳидоя”).

13. Жамарот тошларини отиш. Тош отиш ҳажнинг вожибларидан бўлиб, унинг бир кунини ёки учала кунини ҳам тарк қилган кишига битта қурбонлик вожиб бўлади.

وَلَوْ أَخَرَ أَيْمَانَ كُلُّهَا إِلَى الرَّابِعِ مَثَلًا رَمَاهَا كُلُّهَا فِيهِ قَبْلُ  
الزَّوَالِ أَوْ بَعْدَهُ عَلَى التَّأْلِيفِ قَضَاءُ عِنْدَهُ وَعَلَيْهِ دَمٌ وَاحِدٌ  
لِلتَّاخِيْرِ... وَإِنْ لَمْ يَقْضِ حَتَّى غَرَبَتِ الشَّمْسُ مِنْهُ فَاتَّ وَقْتُ  
الْقَضَاءِ وَالْأَذَاءِ وَعَلَيْهِ دَمٌ وَاحِدٌ إِنْفَاقًا

“Агар тош отишнинг барчасини тўртинчи кунга қолдирса, хоҳ у заволдан аввал ёки кейин бўлсин, Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайх) наздида қазо ҳисобланиб, кечиктиргани учун зиммасига битта қурбонлик лозим бўлади.

Агар тўртинги кунини қуёши ботгунича ҳам учала куннинг қазосини адо қила олмаса, адо қилиш ҳам, қазосини қилиш ҳам қўлдан кетган бўлиб, барча имомлар наздида зиммасига битта қурбонлик вожиб бўлади”. (“Ғуния жадид”)

**وَإِنْ تَرَكَ رَمَيْ يَوْمَ وَاحِدٍ فَعَلَيْهِ دَمٌ... وَإِنْ تَرَكَ رَمَيْ جَمْرَةً  
الْعَقْبَةَ فِي يَوْمِ النَّحْرِ فَعَلَيْهِ دَمٌ**

“Бир кунлик тошни ким тарк қилса, зиммасига қурбонлик вожиб бўлади... Курбонлик куни ақаба тошини отишни тарк қилса, зиммасига қурбонлик вожиб бўлади”. (“Ҳидоя”)

14. **Бир куннинг тош отишни бошқа кунга кечиктирмаслик.** Бир куннинг тошини бошқа куннинг субҳи киришигача кечиктирса, Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайх) наздида жаримасига бир қурбонлик вожиб бўлади.

15. **Соч олдириш.** Сочни олдириш ёки бармоқнинг бир бўғини микдорича қисқартириш вожиб ҳисобланади. Агар ҳожи сочни олдирмай ёки қисқартирмай эҳромдан чиқса, зиммасига қурбонлик вожиб бўлади.

16. **Қирон ва таматтунинг қурбонлиги.** Қирон ёки таматту қилувчи зиммасига қурбонлик вожиб бўлади. Шунинг учун қурбонликсиз эҳромдан чиқиб қўйса, жаримасига яна бир қурбонлик қилиши лозим.

فَمَنْ تَمَتَّعَ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجَّ فَمَا اسْتَيْسَرَ مِنَ الْهَذِي فَمَنْ لَمْ يَجِدْ  
فَصِيَامُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ فِي الْحَجَّ وَسَبْعَةٌ إِذَا رَجَعْتُمْ تِلْكَ عَشَرَةً كَامِلَةً  
ذَلِكَ لِمَنْ لَمْ يَكُنْ أَهْلُهُ حَاضِرٍ يَالْمَسْجِدِ الْحَرَامِ

“Қачонки, (монеликлардан) хотиржам бўлсангиз, сўнг (ҳаж вақтигача) кимки умра қилиб таматту қилса (эхромдан вақтинча чиқиб олса), мұяссар бўлган қурбонликни қилсин! Ким (бунга имконият) топа олмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганларингиздан кейин рўза (тутсин!) Ўша роса ўн кундир. Бу (ҳукмлар) оиласи (яшаш жойи) Масжиди Ҳаромда бўлмаганлар учундир”. (Бақара сураси 196-оят)

## ذَبْحُ الشَّاةِ لِلْقَارِينَ وَالْمُنْتَمِعِ

“Қирон ва таматту қилувчи қўйни сўйиши вожибдир”. (“Дуррул муҳтор”)

17. Қурбонликни ҳайит кунларида қилиш. Қурбонликни наҳр кунлари қилиш вожибдир. Шунинг учун ўн иккинчи зулҳижжа ўтгунича таматту ва қирон қилувчилар қурбонлик қилмасалар, жаримасига яна битта қурбонлик вожиб бўлади.

18. Ақаба тошини отиш, қурбонлик қилиш ва соч олдириш амаллари орасида

**тартибга риоя қилиш.** Ушбу учта амалар орасида тартибга риоя қилиш вожибdir. Унинг тартиби қуйидагича:

1. Ақаба тошини отиш;
2. Қурбонлик қилиш;
3. Сочни олдириш ёки қисқартириш.

Агар ҳожи тош отишдан олдин қурбонлик қилса ёки соч олдириб қўйса ёки қурбонлиқдан олдин соч олдириб қўйса, жаримасига яна бир қурбонлик лозим бўлади. Тавофи зиёратни ушбу учта амалдан олдин қилиш суннатга хилоф бўлсада, лекин қурбонлик қилишни вожиб қилмайди.

**19. Қурбонлик кунлари ҳарам ҳудудида соч олдириш.** Қурбонлик кунлари чиқиб кетишидан аввал ҳарам ҳудудида соч олдириш ёки қисқартириш вожиб. Шунинг учун ҳарамдан ташқарида соч олдириш ёки ўн иккинчи зулхижжа ўтгандан кейин соч олдириш ёки қисқартириш сабабли бир қурбонлик вожиб бўлади.

وَمَنْ أَخَرَ الْخَلْقَ حَتَّىٰ مَضَتْ أَيَّامُ النَّحْرِ فَعَلَيْهِ دَمٌ عِنْدَ أَبِي حَنِيفَةَ... وَإِنْ حَلَقَ فِي أَيَّامِ النَّحْرِ فِي غَيْرِ الْحَرَمِ فَعَلَيْهِ دَمٌ

“Кимки соч олдиришни нахр кунлари ўтиб кетгунича кечиктирса, Абу Ҳанифа (раҳматуллохи алайх) наздида зиммасига қурбонлик вожиб бўлади ... Ҳарамдан

бошқа жойда нахр (курбонлик) кунлари соч олдирса, зиммасига қурбонлик вожиб бўлади”. (“Ҳидоя”)

20. Видолашув тавофи. Офоқий ватанига қайтиб кетаётган пайтда видолашув тавофини қилиши вожибдир. Уни тарк қилиш қонни вожиб қилади.

وَطَوَافُ الصَّدْرِ أَيِ الْوَدَاعُ لِلْأَفَاقِيِّ غَيْرِ الْحَائِضِ

“Садр, яъни видолашув тавофи ҳоиза бўлмаган офоқий учун вожибдир”. (“Дуррул муҳтор”)

وَمَنْ تَرَكَ طَوَافَ الصَّدْرِ أَوْ أَرْبَعَةَ أَشْوَاطٍ مِّنْهُ فَعَلَيْهِ شَأْ

“Тавофи садрни ёки ундан тўртта шавтни тарк қилса, зиммасига қўй лозим бўлади”. (“Ҳидоя”)

Ҳажнинг қурбонлик вожиб бўлмайдиган вожиблари куйидагилар:

1. Муздалифа йўлида шом билан хуфтон намозларини ўқимаслик. Арафотдан қайтишда шом ва хуфтон намозларини Муздалифага етиб келгандан кейин жам қилиб ўқиш вожиб. Шунинг учун ким Муздалифа йўлида шом билан хуфтон намозларини ўқиб қўйса, Муздалифага етиб келгандан кейин уларни қайтадан ўқиши вожиб бўлади. Лекин

у кишининг зиммасига қон ҳам, садақаи фитр ҳам вожиб бўлмайди. Балки, гуноҳкор бўлади.

**2. Тавофдан кейин икки ракат намоз ўқиши.** Ҳар тавофдан кейин икки ракат тавоф намозини ўқиши вожибдир. Агар адо қилмаса, вожибни тарк қилгани учун гунокор бўлади. Лекин жарима сифатида бирор нарса вожиб бўлишида олимлар ихтилоф қилганлар. Улардан баъзилари қон вожиб бўлади деган бўлсалар, қолганлари қон вожиб бўлмайди деб таъкидлаганлар. Шунинг учун бу намозни ҳарам худудида адо қилиш суннат, вожиб эмас. Агар ватанига қайтиб боргандан кейин адо қилса ҳам зиммадаги вожиб адо бўлади. Шунинг учун уни тарк қилган киши зиммасига курбонлик вожиб бўлмайди.

**3. Саъйни Сафо тепалигидан бошлиш.** Саъйни Сафо тепалигидан бошлишни баъзи олимлар вожиб деганлар. Баъзилар эса уни суннат деганлар. Лекин саъй қилишни Сафо тепалигидан бошламаслик билан зиммасига барчанинг наздида қон вожиб бўлмайди. Тавофни Марва тепалигидан бошлаган киши қайтадан Сафо тепалигидан бошлиши лозим бўлади ва жаримасига ҳеч нарса лозим бўлмайди. Агар қайтармаса, садақаи фитр лозим бўлади.

**4. Тавофни ўнг тамондан бошлиш.** Тавофни бошлишда ўнг қўл томондан киришиш

вожибдир. Бу амални баъзилар фарз, баъзилар суннат деганлар.

5. Тавофи ҳажари асваддан бошлиш. Тавофи ҳажари асваддан бошлишни “Дуррул мухтор” соҳиби вожиб деб айтган. Ушбу амални фарз, шарт ва суннат деганлар ҳам бор. Лекин саҳихи вожибдир. Уни тарк қилган киши зиммасига қурбонлик қилиш вожиб бўлмайди.

### **САФО ВА МАРВА ОРАСИДА САЪЙ КИЛИШГА ДОИР МУХИМ МАСАЛАЛАР**

إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَابِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ اغْتَمَرَ فَلَا  
جُنَاحٌ عَلَيْهِ أَنْ يَطْوَّفَ بِيهِما

“Албаттга, Сафо ва Марва (тепаликлари) Аллоҳнинг шиорлариидандир. Бас, ким ҳаж ёки умра қилганида у иккисини тавоф этса, унга гуноҳ йўқдир”. (Бақара сураси 158-оят)

Сафо билан Марва икки кичик тоғ бўлиб, Масжиди ҳарам ёнида жойлашган. Замзам кудуги ҳам ўша ерда жойлашган. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг аёллари Ҳожар онамиз ўғиллари Исмоил (алайҳиссалом) учун сув қидириб, у икки тоғ орасида етти бор у ёқдан бу ёққа кўтарилигандар. Еттинчи мартасида Марва томонга кўтарилиб қараганларида ўғиллари Исмоил (алайҳиссалом) ётган жойларидан

бир овоз эшилди. Шунда ўғиллари олдига бордилар. Қарасалар, у ердан Аллоҳ таолонинг фазли билан Замзам булоги оқиб турган эди. Бу ҳақда Имом Бухорий (раҳматуллоҳи алайх) куйидаги ҳадисни ривоят қилганлар:

وَجَعَلْتُ أُمَّ إِسْمَاعِيلَ تُرْضِيْعَ إِسْمَاعِيلَ وَشَرَبَ مِنْ ذَلِكَ الْمَاءِ حَتَّىٰ إِذَا نَفَدَ مَا فِي السَّقَاءِ عَطَشَتْ وَعَطَشَ ابْنُهَا وَجَعَلْتُ تَنْتَرُ

إِلَيْهِ يَتَلَوَّىْ أَوْ قَالَ يَتَلَبَّطُ فَانْطَلَقْتُ كَرَاهِيَّةَ أَنْ تَنْتَرَ إِلَيْهِ فَوَجَدْتُ الصَّفَا أَقْرَبَ جَبَلٍ فِي الْأَرْضِ يَلِيهَا فَقَامَتْ عَلَيْهِ ثُمَّ اسْتَقْبَلَتِ الْوَادِي تَنْتَرُ هَلْ تَرَى أَحَدًا فَلَمْ تَرَ أَحَدًا فَهَبَطَتْ مِنِ الصَّفَا حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَتِ الْوَادِي رَفَعَتْ طَرَفَ دِرْعِهَا ثُمَّ سَعَتْ سَعْيَ الْإِنْسَانِ الْمَجْهُودِ حَتَّىٰ جَاوَزَتِ الْوَادِي ثُمَّ أَتَتِ الْمَرْزَوَةَ فَقَامَتْ عَلَيْهَا وَنَظَرَتْ هَلْ تَرَى أَحَدًا فَلَمْ تَرَ أَحَدًا فَفَعَلَتْ ذَلِكَ سَبْعَ مَرَّاتٍ قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَلِكَ سَعْيُ النَّاسِ بَيْنَهُمَا

“Исмоил (алайхиссалом)нинг оналари Ҳожар (розияллоҳу анҳо) фарзандини эмизиб, ўша сувдан ичар эди. Мешидаги сув тугагач ўзи ҳам, ўғли ҳам чанқаб қолди. Ўғлини безовта бўлаётгани ёки ерда думалаётганига қаради. Унга қараб тураверишни хушламай кетди. Ўзига энг яқин жойда Сафо тоғини

кўрди ва унинг тепасига чиқди. Сўнг бирор кишини кўрармиканман деб водий томон юзланди ва ҳеч кимни кўрмай Сафо тоғидан тушди: Водийга етгач кўйлакларини бир четини кўтарди ва водийдан кўтаришганнича қийналиб қолган киши каби югурди. Сўнг Марвага чиқиб тепасида турди. Бирор кишини кўрармиканман, деб қаради ва ҳеч кимни кўрмади. Бу ишни етти бор қилди. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтди: “Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Сафо билан Марва ўргасидаги одамларни саъи қилишлари Ҳожар (розияллоҳу анҳо)нинг саъиидир”. (Бухорий ривояти)

Ҳожи тавофни тугатиб, тавоф намозини ўқийди, дуо қилиб, замзам сувидан ичгач, қора тошни истилом қиласи ва Масжиди ҳарамдан чиқади. Чиқишда қуйидаги дуони ўқийди:

بِسْمِ اللَّهِ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ اللَّهُمَّ إِنْفِرِزْ لِي  
ذُنُوبِي وَافْتَحْ لِي أَبْوَابَ فَضْلِكَ.

“Бисмиллаҳи вас солату вас салааму ала расулиллаҳ. Аллоҳумма иғfir лий зиубий вафтаҳ лий абааб фадлик”. (“Ғуния ан-носик жадид”)

**Маъноси:** Аллоҳ номи ила чиқаман. Аллоҳнинг Расулига соловоту саломлар бўлсин. Эй, Аллоҳим! Гуноҳларимни мағфират

қилгин ва раҳмат дарвозаларингни мен учун очгин.

Шундан кейин Сафо тоги этагига келиб, қибла томонга юзланади, қўлларини кўтариб, Аллоҳ таолодан муродларини сўрайди ва такбир ҳамда таҳлил айтиб, саъй қилишга киришади. Яшил чироққа келган пайтда югуришга яқин, яъни тезроқ юради.

وَيُسْتَحِبُّ أَن يَكُونَ السَّعْيُ بَيْنَ الْمِيلَيْنِ فَوْقَ الرَّمَلِ دُونَ الْغَدْرِ  
وَهُوَ جَزِيٌّ شَدِيدٌ كَجَزِيِّ الْفَرَسِ وَهُوَ سُنَّةٌ فِي كُلِّ شَوَّطٍ

“Икки яшил чироқ ўртасида рамалдан тезроқ, чопишдаң пастроқ юриш мустаҳаб саналади. У отнинг юриши каби қаттиқ юришдир. Мана шу ҳар бир шавтда суннатдир”. (Мулла Али қори. “Маносик”. 173-б.)

Марвага етиб келиши билан бир айлана тўлиқ бўлади. Шунингдек, Марвадан Сафога етиб келганида иккинчи айлана тўлиқ бўлади. Еттинчи айлана Марвага етиб келиш билан тўлиқ бўлади. Саъй охирида қибла томонга юзланиб, Аллоҳ таолодан ўзининг муродларини сўрайди. Такбир, таҳлил, Аллоҳ таолога ҳамду сано ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га дуруди шариф айтиб, сўнг ўзининг ҳаққига ҳам дуо қиласди.

كُونَهُ بَعْدَ طَوَافِ مُعْتَدٍ بِهِ وَهُوَ أَنْ يَكُونَ أَرْبَعَةً أَشْوَاطٍ فَأَكْثَرَ

“Саъй эътиборга олинган тавофдан кейин қилиниши. Эътиборга олинган тавофтўрт ёки ундан кўпроқ шавтдир”. (“Ғуния ан-носик жадид”. 132-б, Мулла Али Қорий. “Маносик”. 177-б.)

6. Ҳажнинг саъи ҳаж ойларида бўлиши. Шаввол, зулқаъда ва зулҳижжанинг аввалги ўн куни ҳаж ойлари ҳисобланади. Умра учун вакт тайин қилинмаган.

### **САЪЙНИНГ ВОЖИБЛАРИ**

Саъйнинг вожиблари олтига бўлиб, улар қўйидагилар:

1. Саъй жунуб, ҳайз ва нифосдан пок бўлган ҳолатда қилинган тавофдан кейин бўлиши.

2. Тартибга риоя қилиш. Баъзилар тартибни саъйнинг шартлари қаторига қўшганлар. Тартибдан мурод саъйни Сафодан бошлаб, Марвада тугатишдир.

3. Узрсиз одамлар пиёда саъй қилиши вожиб. Агар узрли бўлса, уловга миниб саъй қилиши жоиз. Узрсиз одам уловда саъй қилса, зиммасига қурбонлик қилиши лозим бўлади. Ҳозирги кунда кўплаб одамлар узрлари

бўлмаса ҳам уловда саъй қиладилар. Бундай ҳолатда уларга курбонлик қилиш лозим бўлади.

4. Саъйнинг тўрт айланаси фарз, қолган уч айланан эса вожибdir.

إِكْمَالٌ مَا زَادَ عَلَيْهِ عَلَى أَكْثَرِ أَشْوَاطِهِ فَانْ تَرَكَهُ صَحَّ سَعْيُهِ  
وَعَلَيْهِ لِكُلِّ شَوْطٍ صَدَقَةٌ

“Тўртинчи вожиб, тўрт шавтдан қолганини тугатиб кўйиш вожибdir. Уларни тарк қилса, саъий дуруст бўлади ва ҳар бир шавт эвазига садақа лозим бўлади”. (“Ғуния ан-носик жадид”. 134-б, “Ғуния ан-носик қадим”. 71-б)

5. Умранинг саъйида бошдан охиригача эхромда бўлиш.

6. Сафо билан Марва орасидаги ҳар бир шавтни тўла қилиш, яъни ярмидан қайтиб кетмаслик.

## САЪЙНИНГ СУННАТЛАРИ

Саъйнинг тўққизта суннати бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

1. Саъй қилишга киришишдан олдин ҳажари асвадни истилом қилиш.

2. Тавоф билан саъйни пайдарпай қилиш.

3. Сафо ва Марвага кўтарилиш.

4. Байтга юзланиш – Сафо ва Марва тепалигига кўтарилигандан кейин қиблага юзланиш.

5. Саъйнинг шавтларини пайдарпай қилиш.

6. Жунуб ва ҳайздан пок бўлиш.

7. Саъйни таҳорат билан қилиш.

8. Икки яшил чизик орасида тез юриш.

9. Авратни беркитиб саъй қилиш.

## **ҲАЖНИНГ СУННАТЛАРИ**

Ҳаж сафарига отланмоқчи бўлган киши ҳажнинг суннатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, уларни ёдлаб олиши керак. Чунки суннати муаккадани тарк қилган кишига жарима сифатида қурбонлик ёки садақа вожиб бўлмасада, гуноҳкор бўлади. Уни адо этган кишига эса Аллоҳ таоло томонидан ажру савоб берилади.

**Уларнинг энг муҳимлари қўйидагилар:**

1. Маккалик бўлмаган ифрод ёки қирон ҳаж қилувчи ҳожиларнинг тавофи қудум қилишлари. Тавофи қудумни тавофи лиқо (кўришув тавофи), тавофи вуруд (ташриф тавофи) ҳам дейилади. Таматту ҳажи ёки умра қилувчи учун бу тавоф суннат эмас.

**Унинг тартиби:** ифрод ҳаж қилувчи ҳарамга киргандан кейин тезлик билан бир

тавоф қилиб олади. Ўша тавофга қудум тавофи дейилади. Қирон қилувчи умра билан ҳажга бирга эхромга кириб, ҳарамга, киргандан кейин биринчи умра арконларини адо қилиб бўлгандан кейин нафл тарзида бир тавоф қиласди. Мана шу қирон қилувчининг тавофи қудуми ҳисобланади.

**Эслатма:** қирон қилувчи аввал умра қилиб, кейин тавофи қудум қилиши суннатдир. Лекин унинг аксини қилиши, яъни биринчи тавофи қудум қилиб, кейин умра қилиши суннат эмас.

2. Ҳаж имоми учта жойда хутба қилиши: зулҳижжанинг еттинчи куни Маккада, тўққизинчи куни Арафотда, ўн биринчи куни Минода. У ҳар бир хутбада ҳаж арконларини тушунтириб беради.

3. Тарвия куни, яъни зулҳижжанинг саккизинчи куни субҳида ўзи яшаб турган ҳарам ҳудудидан эхромга кириб Минога равона бўлиши.

4. Арафадан олдинги кечани Минода ўтказиш.

5. Зулҳижжанинг тўққизинчи куни қуёш чиққандан кейин Минодан Арафотга отланиш.

6. Имкон топа олса пешин намозидан олдин Арафотда ювениш.

7. Зулҳижжанинг ўнинчи куни тунда Арафотдан тушгандан кейин Муздалифада тунаш.

8. Зулхижжанинг ўнинчи куни қуёш чиқишидан олдин Муздалифадан Минога отланиш.

9. Зулхижжанинг ўнинчи – ўн иккинчи кунларини Минода ўтказиш.

10. Эҳромга киргандан бошлаб то ақаба тошларининг биринчисини отгунича кўп талбия айтиш.

### **ЗАМЗАМ СУВИ МАСАЛАЛАРИ**

وَيُسْتَحِبُّ أَن يَأْتِي زَمْرَمَ بَعْدَ الرَّكْعَتَيْنِ قَبْلَ الْخُرُوجِ إِلَى الصَّفَا<sup>١</sup>  
فَيَشْرَبَ مِنْهَا وَيَتَضَلَّعَ، وَيُفْرِغَ الْبَاقِيَ فِي الْبَئْرِ وَيَقُولَ «اللَّهُمَّ  
إِنِّي أَسْأَلُكَ رِزْقًا وَاسِعًا وَعِلْمًا نَافِعًا وَشَفَاءً مِنْ كُلِّ دَاءٍ

“Икки ракат тавоғ намозидан кейин, Сафо тоғига чиқишидан олдин, Замзам олдига келиб ундан ичишлиқ мустаҳаб саналади. Сув ичаётган пайтда: “Аллоҳим мен Сендан кенг ризқ, фойдали илм ва барча касалликлардан шифо сўрайман”, – дейди”. (“Фатхул қодийр”)

Замзам сувида таҳорат ва ғусл қилиш жоиз ва дуруст. Бу одоб-ахлоққа хилоф иш эмас. Балки, Набий (соллаллоҳу алайҳи вассаллам), саҳобаи киром ва мужтаҳидлардан событ бўлган ишдир.

ويجوز الاغتسال والتوضؤ بماء زمزم على وجه التبرك

**“Табаррукланиш мақсадида, замзам суви билан ғұслы таҳорат қилиш жоиздир”.** (“Фұния қадим”)

Замзам сувини қибла томонга юзланиб, тик туриб ичишлик суннат. Набий (соллаллоху алайхі васаллам) ҳам замзам сувини тик туриб ичғанлар. Ичаётган пайтда ният қилинади.

عَنْ أَبْنَى عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ شَرِبَ مِنْ مَاءَ زَمْزَمَ وَهُوَ قَائِمٌ

*Ибн Аббос (розияллоху анху)дан ривоят қилинади:*

**“Расулуллох (соллаллоху алайхі васаллам) замзам сувини тик турған ҳолатда ичдилар”.** (Насоий ривояти)

عن جابر رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: ”ماء زمزم لما شرب له“. وهذا مما عمل العلماء والأخيار به، فشربوا لمطالب لهم جليلة فنالوها. قال العلماء: فيستحب لمن شربه للمغفرة أو للشفاء من مرض ونحو ذلك أن يقول عند شربه: اللهم إلهي بلغني أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: ”ماء زمزم لما شرب له“ اللهم وإنني أشربته لي ولتفعل بي كذا وكذا، فاغفر لي أو افعل. أو: اللهم إني أشربته مُسْتَشْفِيًّا بِهِ فأشفني، ونحو هذا، والله أعلم.

Жобир (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Замзам суви нимага ичилса, ўшангадир”, – дедилар”. Бунга уламолар ва ахёрлар амал қилганлар. Улар улуғ мақсадларни ният қилиб ундан ичганлар ва уларга эришганлар. Уламолар: “Гуноҳини кечиришлиги ёки касалига шифо сўраб ичаётганда: “Эй, Аллоҳим! Менга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг: “Замзам сувини нима мақсадда ичилса, албатта унга эришилади”, – деган ҳадислари етди. Эй, Аллоҳим! Мени мағфират қилишинг учун, фалон, фалон мақсадларимни ҳосил қилишинг учун, у билан Сендан шифо сўраб ичаман, мағфират қилгин, муродимни ҳосил қилгин ва шифо бергин, дейиши мустаҳабдир”, – деганлар”. (“Азкор”)

Аллоҳ таоло замзам қудуғига шундай барака берганки, у ҳаргиз тугаб қолмади. Ва яна ушбу сувга Аллоҳ таоло озуқа бўлиш хусусиятини ҳам солиб, уни турли дардларга шифо қилган. Шу сабабли ушбу сувдан олиб кетиб, қариндош-уруғ ва яқинларга улашиш суннат ва мустаҳабдир. Замзам сувидан ватанга қанча олиб кетиш имкони бўлса, ўшанча олиб кетиш керак. Зоро, Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам ўzlари билан замзам сувидан

олиб кетганлар ва Ҳасан ҳамда Ҳусайн (розияллоху анху)ларнинг танглайларини замзам билан кўтарғанлар. Шу билан бирга, bemorlarغا ҳам ундан ичирғанлар. “Раддул муҳтор”да шундай баён этилган:

وَيُسْتَحِبُ حَمْلُهُ إِلَى الْبِلَادِ، فَقَدْ رَوَى التَّزْمِذِيُّ {عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا كَانَتْ تَحْمِلُهُ وَتُخْبِرُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَحْمِلُهُ} ”وَفِي غَيْرِ التَّزْمِذِيِّ“ {أَنَّهُ كَانَ يَحْمِلُهُ، وَكَانَ يَصْبِهُ عَلَى الْمَرْضَى وَيَسْقِيهِمْ. وَأَنَّهُ حَنَّكَ بِهِ الْحَسَنَ وَالْحُسَينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا} ”.

“Замзам сувини ватанга олиб кетиш мустаҳабдир. Термизий Оиша (розияллоху анхо)дан ривоят қилган ҳадиси шарифда: “Оиша (розияллоху анхо) ўзи билан замзам сувини олиб кетар ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шундай қилар эдилар, деб хабар берар эдилар”. Термизийдан бошқаларнинг ривоятида: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўзлари билан замзам олиб кетар ва bemorlar устидан қуиб, уларга ичирар эдилар. Шунингдек, Ҳасан ва Ҳусайн (розияллоху анху)ларни ҳам замзам суви билан танглайини кўтарғанлар”. (“Раддул муҳтор”)

## УМРА

“Умра” сўзи “зиёрат” маъносини англатади. Истлоҳда эса муайян шартларга амал қилган ҳолда Аллоҳ таолонинг Байтини зиёрат қилишига айтилади.

وَأَتِمُوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لِلَّهِ

“Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун мукаммал адо этинг!” (Бақара сураси 196-оят)

Умра қилиш фарз ёки вожиб эмас. Балки сахих қавлга биноан суннати муаккада. Бу ибодат учун вақт, кун, ой тайин қилинмаган. Йил бўйи исталган вақтда умра қилиш мумкин. Лекин зулхижжанинг тўққизинчи кунидан ўн учинчи кунигача беш кун ҳаж ибодатлари билан машғул бўлгани туфайли, бу кунларда умра қилиш дуруст эмас.

حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ يُوسُفَ، أَخْبَرَنَا مَالِكٌ، عَنْ سُمَيْ مَوْلَى أَبِي  
بَكْرٍ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ أَبِي صَالِحِ السَّمَّانِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ  
رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: «الْعُمْرَةُ إِلَى الْعُمْرَةِ كَفَارَةٌ  
لِمَا بَيْتَهُمَا، وَالْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ»

Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи васаллам): “Умра (кейинги) умрагача иккиси ора-

сидаги нарсаларга каффоротдир. Мабур ҳажнинг мукофоти эса фақат жаннатдир”, – дедилар”.

العُمَرَةُ وَتُسَمَّى الْحَجَّ الْأَضْعَرُ وَهِيَ فِي الْعُمَرِ مَرَّةٌ سُنَّةٌ مُؤَكَّدَةٌ  
لِمَنْ إِسْتَطَاعَ وَهُوَ الْمَذْهَبُ

“Кичик ҳаж деб номлаңгучи умрани қодир бўлган киши умрида бир бор адо қилиши суннати муаккадadir. Мазҳабимиз шуни ихтиёр қилган”. (“Ғуния жадид”)

## УМРА ИБОДАТИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Ҳаж ва умра ибодатига борган зиёратчилар Аллоҳ таолонинг меҳмони ҳисобланадилар. Улар Мезбондан нима сўрашса, беради. Истиғфор айтишса, қабул қиласи. Бу ҳақида ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ  
قَالَ: ”الْخَاجُ وَالْعُمَارُ وَفُدُّ اللَّهِ إِنْ دَعْوَهُ أَجَابَهُمْ وَإِنْ اسْتَغْفِرُوهُ  
”غَفَرَ لَهُمْ“

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи васаллам): “Ҳожи ва умра қилувчи Аллоҳнинг меҳмонидир. Агар Аллоҳга

дую қылсалар, дуоларини ижобат қилади. Агар Ундан мағфират сўрасалар, уларни мағфират қилади”, – дедилар”. (Ибн Можа ривояти)

عَنْ عُثْمَانَ بْنِ أَبِي الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاعْلَمَ أَنَّ الْعُمُرَ هِيَ الْحَجَّ الْأَصْغَرُ وَأَنَّ عُمْرَةَ خَيْرٌ مِّنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا وَحْجَةٌ خَيْرٌ مِّنْ عُمْرَةٍ

*Усмон ибн Абул Ос (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи вәсаллам) шундай дедилар: “Билгинки, умра – кичик ҳаждир. Умра дунё ва ундаги барча нарсалардан яхшидир. Ҳаж эса умрадан яхшидир”. (Мұъжами қабирдан қисқартирилган ҳолда көлтирилган)*

عَنْ بْنِ عَبَّاسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ جَاءَتْ أُمُّ سَلَيْمٍ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ حَجَّ أَبُو طَلْحَةَ وَابْنِهِ وَتَرْكَانِي فَقَالَ يَا أُمَّ سَلَيْمٍ عُمْرَةٌ فِي رَمَضَانٍ تَعْدُلُ حَجَّةَ

*Ибн Аббос (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Умму Сулайм Набий (соллаллоҳу алайҳи вәсаллам)нинг ҳузурига келиб: “Абу Талҳа ва унинг ўғли ҳаж қилиб, икковлари мени тарқ қилишди”, – деди. Шунда у зот: “Эй Умму Сулайм! Рамазонда қилинган*

умра (*ајкру савобда*) ҳажга баробар бўлади”, – дедилар”. (*Ибн Ҳиббон ривояти*)

Халқ орасида жума кунига тўғри келган ҳаж – “ҳажжи акбар” дейилиши машхур бўлиб кетган. Лекин бу гап ҳадис ва фикҳий китобларнинг бироргасида ҳамда мужтаҳидларнинг сўзларида учрамайди. Ҳадис ва фикҳий китобларда ҳар қандай ҳаж “ҳажжи акбар”, умра эса “ҳажжи асғар” деб айтилган.

عَنْ أَبْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: الْحَجُّ الْأَكْبَرُ يَوْمُ النَّخْرِ وَالْحَجُّ الْأَضْغَرُ  
الْعُمْرَةُ

*Ибн Аббос* (розияллоҳу анҳу): “Ҳажи акбар наҳр куни, ҳажи асғар эса умрадир”, – деди”. (*Сунани Насоий*)

وَقَالَ الزُّهْرِيُّ وَالشَّعْبِيُّ وَعَطَاءُ: الْأَكْبَرُ الْحَجُّ وَالْأَضْغَرُ  
الْعُمْرَةُ

“Зуҳрий, Шаъбий ва Ато (раҳматуллоҳи алаїх)лар: “Каттаси ҳаж, кичиги умрадир”. (“Раддул муҳтор”)

Айни дамда Арафотда туриш жума кунига тўғри келган ҳаж бошқа ҳажлардан фазилатлироқ экани қайд этилган.

قَالَ الرَّمْلِيُّ قَالَ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَفْضَلُ الْأَيَّامِ يَوْمٌ عَرَفَةٌ وَإِذَا وَاقَقَ يَوْمَ جُمُعَةٍ فَهُوَ أَفْضَلُ مِنْ سَبْعِينَ حَجَّةً فِي غَيْرِ يَوْمِ جُمُعَةٍ

“Рамлий айтди: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ): “Кунларнинг энг афзали арафа кунидир. Агар арафа жума кунига тўғри келса, жума кунига тўғри келмаган етмишта ҳаждан афзалдир”. (“Баҳрур роик”)

### УМРА АМАЛЛАРИ

Умрага тегишли амаллар тўртта. Улар:

1. Эҳромга кириш – маккалик ёки ҳиллик киши умранинг эҳромига ҳарам худудидан ташқарига чиқиб, миқотдан ташқарида истиқомат қилувчилар эса миқот ёки ундан олдиндан эҳромга киришлари шарт.

2. Умра тавофи.

3. Сафо ва Марва тепалигида саъй қилиш.

4. Соч олдириш ёки қисқартириш.

Умра қилмоқчи бўлган киши ушбу тўрт амални бажариши керак. Булардан умра тавофи фарз, Сафо ва Марва орасида саъй қилиш ва соч олдириш вожиб амалдир.

## Эслатма:

<b>1.</b>	<b>Умра учун эҳрамга кириш</b>	<b>Фарз</b>
<b>2.</b>	<b>Умра тавофи</b>	<b>Фарз</b>
<b>3.</b>	<b>Умранинг саъи</b>	<b>Вожиб</b>
<b>4.</b>	<b>Соч олдириш ёки қисқартириш</b>	<b>Вожиб</b>

Умранинг юқоридаги тўрт амалида тартибга риоя қилиш зарур. Яъни аввал саъй, ундан кейин тавоф қилса, қилган саъи тўғри бўлмайди. Уни қурбонлик қилиш билан ҳам тўғрилаб бўлмайди, тавофдан кейин қайтадан саъй қилиш лозим бўлади. Саъй билан соч олдириш орасида тартибга риоя қилиш эса вожиб. Агар умра тавофидан кейин соч олдириб ёки қисқартириб, ундан кейин саъй қилса, қурбонлик қилиши вожиб бўлади. Лекин тартиб билан иккинчи марта қайтадан саъй қилиш лозим бўлмайди.

## УМРАНИНГ КАФФОРОТИ

Умра амалларида хато ёки қасддан хато содир бўлса, каффоротига қурбонлик қилиш ёки уни бошқатдан бажариш лозим бўлади. Умранинг каффоротига қўй ёки эчки сўйиш вожиб бўлади.

## РАМАЗОН ОЙИДА УМРА ҚИЛИШ

Умрани йил давомида қилиш мумкин, лекин рамазон ойида қилинган умра савоби етмиш баробар зиёда бўлади. “Саҳихи Бухорий”да келган ҳадисга кўра, Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) рамазоннинг умраси ҳажга баробар бўлади, деганлар.

Бошқа бир ҳадисда рамазон ойида умра қилган кишига Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан бирга ҳаж қилганлик савоби берилиши айтилган.

Шу боис имкон бўлса, рамазон ойида умра қилишга ҳаракат қилиш афзal.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى  
اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: عُمْرَةٌ فِي رَمَضَانَ كَحْجَةٌ مَعِيٌّ

“Анас ибн Молик (розияллоҳу анху) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) нинг Рамазонда қилинган умра мен билан бирга қилинган ҳаж қабидир, деганларини эшиитган”. (Табароний ривояти)

عَنْ بْنِ عَبَّاسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ جَاءَتْ أُمُّ سَلِيمٍ إِلَى النَّبِيِّ  
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ حَجَّ أَبُو طَلْحَةَ وَابْنَهُ وَتَرْكَانِي فَقَالَ  
يَا أُمَّ سَلِيمٍ عُمْرَةٌ فِي رَمَضَانَ تَغْدِلُ حَجَّةَ

*Ибн Аббос (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинади:* “Умму Сулайм Набий (соллаллоху алайхи васаллам) ҳузурларига келиб: “Абу Талҳа ва унинг ўғли ҳаж қилиб, иккалалари ҳам мени қолдириб кетишиди”, – деди. Шунда у зот: “Эй, Умму Сулайм рамазонда қилинган умра (*аәжру савобда*) ҳажга баробар бўлади”, – дедилар”. (Ибн Ҳиббон ривояти)

عَنْ أَبْنَى عَبَّاسَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فَعُمْرَةٌ فِي رَمَضَانَ تَقْضِي حَجَّةً أَوْ حَجَّةً مَعِي

*Ибн Аббос (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинади:* “Расулуллоҳ (соллаллоху алайхи васаллам): “Рамазонда қилинган умра ҳажга ёки мен билан қилинган ҳажга тенг”, – дедилар”. (Имом Муслим ривояти)

عَنْ أَمْ مَعْلُوْلَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: ”اعْتَمِرْيَ فِي رَمَضَانَ، فَإِنْ عُمْرَةٌ فِي رَمَضَانَ تَعْدُلْ حَجَّةً

*Умму Маъқал (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинади:*

“Набий (соллаллоху алайхи васаллам) шундай дедилар:

“Рамазонда умра қилинглар, чунки Рамазонда қилинган умра (*аәжру савобда*) ҳажга тенгдир”. (*Термизий ривояти*)

## Ҳаж ва умра ибодатининг жадвали

Ҳожиларимизга қулай бўлиши учун ҳаж ва умрада бажариладиган фарз, вожиб ҳамда суннат амалларни қуидагича жадвал кўринишида тақдим қиласиз.

Ифрод ҳажининг амаллари			Қирон ҳажининг амаллари		
1	Эхромга кириш	Шарт	Ҳаж ва умра иккиси учун бирдан эхромга кириш		Шарт
2	Рамл (пахлавонча юриш) билан тавофи кудум қилиш	Суннат	Умра тавофи		
3	Сафо ва Марво тепалигига саъй қилиш	Вожиб	Умра тавофида рамл қилиш		
4	Арафотда туриш	Руқн	Умра саъий		
5	Муздалифада туриш	Вожиб	Рамл билан тавофи кудум қилиш	Суннат	Вожиб
6	Курбонлик куни жамраи ақабада шайтонга тош отиш	Вожиб	Ҳажнинг саъий	Суннат	Вожиб

7	Соч олдириш ёки кискартириш		Вожиб		Арафотда туриш				
8	Зиёрат тавофи		Руқн		Муздалифада туриш				
9	Ўн биринчи ва ўн иккинчи кунлари шайтонга тош отиш		Вожиб		Курбонлик куни жамраи ақабада шайтонга тош отиш				
10	Минода кечани ўтказиш	Суннат			Курбонлик қилиш				
11	Видолашув тавофи	Вожиб			Соч олдириш ёки кискартириш				
12					Жамраи ақабага тош отиш, курбонлик ва соч олдиришда тартибга риоя қилиш				
13					Зиёрат тавофи				
14					Ўн биринчи ва ўн иккинчи кунлари шайтонга тош отиш				
15					Минода кечани ўтказиш				
16					Видолашув тавофи				
			Вожиб	Суннат		Вожиб	Вожиб	Вожиб	Руқн

## ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

Таматту ҳажининг амаллари				Умра амаллари			
Умра учун эхромга кириш	Рукн	Шарт	Умра учун эхромга кириш	Рукн	Шарт	Умра тавофи	Умра тавофи
Рамал билан умра тавофини килиш	Суннат		Умранинг саъи				
Умранинг саъи		Вожиб	Соч олдириш ёки кисқартириш				
Умра арконларидан кейин соч олдириш ёки кисқартириш			Видолашув тавофи				на вожиб, на суннат
Саккизинчи зулҳижжа куни ҳаж учун эхромга кириш	Шарт	Вожиб					
Арафотда туриш	Рукн						
Муздалифада туриш	Вожиб						
Курбонлик куни жамраи ақабада шайтонга тош отиш		Вожиб					

Курбонлик килиш				
Соч олдириш				
Жамраи ақабага тош отиш, курбонлик ва соч олдиришда тартибга риоя килиш		Вожиб	Вожиб	
Зиёрат тавофи				
Ҳажнинг саъий				
Ўн биринчи, ўн иккинчи кунларнинг тошини отиш		Вожиб	Вожиб	
Минода кечани ўтказиш		Суннат		
Видолашув тавофи	Вожиб			

## ҲАЖНИНГ БЕШ КУНИ

Ҳажнинг биринчи куни: зулхижжанинг саккизинчи куни ҳажнинг биринчи куни ҳисобланади. У кунда куйидаги амаллар бажарилади:

- Бомдод намозидан кейин Мино томонга йўл олиш;
- Минода пешин, аср, шом, хуфтон ва зулхижжанинг тўққизинчи кунининг бомдод намозларини адо этиш. Ҳозирги кунда ҳаж ишчи гурӯҳи еттинчидан саккизинчига ўтар кечаси ҳожиларни Минога олиб чиқиб кетмоқдалар. Турли кўнгилсиз ҳолатларга тушмаслик учун улар билан Минога чиқиб кетиш лозим.

Ҳажнинг иккинчи куни: зулхижжанинг тўққизинчи куни ҳажнинг иккинчи куни ҳисобланади. У куни бомдод намозидан кейин Арафотга равона бўлинади. Арафотда пешин вақти киргач, пешин билан аср намозлари биргаликда адо этилади. Арафот нусукларини<sup>5</sup> бажариб бўлингач, қуёш ботгандан кейин Муздалифага қараб йўлга чиқишиади. Муздалифада хуфтон вақти кирганда шом билан хуфтон намозлари жам қилинади. Шу кеча Муздалифада ўтказилади.

Ҳажнинг учинчи куни: зулхижжанинг ўнинчи куни ҳажнинг учинчи куни ҳисоб-

<sup>5</sup> Ҳажнинг амалларига нуск дейилади.

ланади. Шу куни түртта вожиб, битта фарз, жами бешта ҳаж амали бажарилади. Улар куйидагилар:

1. Муздалифада бомдод намозини ўқигандан кейин, қуёш чиқишидан олдин вуқуф қилиш ва Қуёш чиқишидан бироз аввал Минога равона бўлиш.

2. Минога келиб, аввал жамраи ақаба (катта шайтон)га тош отилади. Жамраи ақабага тош отишнинг энг афзал вақти зулхижжанинг ўнинчи куни қуёш чиққандан бошлаб заволгачадир. Аслида заволдан кейин тош отилса ҳам кароҳиятсиз, дуруст бўлаверади. Лекин қуёш ботиши билан тош отиш учун макруҳ вақт киради. Агар шомгача тиқилинч бўлиб, бу тиқилинч шомдан кейин ҳам давом этса, жамраи ақабага қуёш ботгандан кейин тош отиш макруҳ бўлмайди.

3. Агар ҳожи таматту ёки қирон ҳажига ният қилган бўлса, ўнинчи зулхижжа куни шайтонга тош отгандан кейин курбонлик қиласди.

4. Агар ҳожи таматту ёки қирон ҳажига ният қилган бўлмаса, жамраи ақабадан кейин сочини олдиради. Агар таматту ёки қирон ҳажига ният қилган бўлса, сочини курбонликдан кейин олдиради.

5. Ҳажнинг энг муҳим рукни ва фарзи зиёрат тавофидир. Ўнинчи зулхижжа куни имкони борича зиёрат тавофини қилиш афзал

ва яхшидир. Агар тавофи зиёратни шу куни қилишнинг имкони бўлмаса, ўн биринчи, ўн иккинчи кунларигача кечиктириш мумкин, лекин ўн иккинчи зулҳижжанинг күёши ботишидан аввал зиёрат тавофидан фориг бўлиш вожибdir. Ўнинчи зулҳижжада қилинадиган амаллар адо этилгач, Минога келиб, кеча шу ерда ўтказилади. Ўн биринчи, ўн иккинчи кечаларни ҳам Минода ўтказиш суннатдир.

Ҳажнинг тўртинчи куни: ҳажнинг тўртинчи куни зулҳижжанинг ўн биринчи кунига тўғри келади. У кунда фақат бир амал қилинади. Бу амал заволдан кейин учта жамаротга тош отишдир. У куннинг тошларини заволдан илгари отиш жоиз эмас, аксинча, заволдан кейин, күёш ботишидан аввал тош отиш афзалдир. Күёш ботгандан кейин эса макруҳ вақт бошланади. Тиқилинч сабабли у куннинг тошларини отиш шомдан кейинга сурилиб кетса, субҳи содикдан аввалроққача тош отиш кароҳиятсиз, дуруст бўлади. Тош отишни узрсиз ортга суриш макруҳdir, лекин тош отишни кечиктиргани учун ҳожининг зиммасига ҳеч нарса вожиб бўлмайди. Кейинги куннинг субҳи тугагунча шайтонга тош отиб олмасагина ҳожининг зиммасига жонлик сўйиш вожиб бўлади. Ўн иккинчи куннинг заволидан кейин бу амалнинг қазосини қилиш лозим бўлади. Ўн биринчи куннинг

тошини отиш вақти ўн иккинчи куннинг субҳи киргунича давом этади. Бу тахминан 16-17 соатни ташкил қиласи. Ўн биринчи куннинг кечасини Минода ўтказиш суннатдир.

Ҳажнинг бешинчи куни: ҳажнинг бешинчи куни зулхижжаканинг ўн иккинчи кунига тўғри келади. Шу куни заволдан кейин шайтонга уч жойда тош отилади. Минодан Маккаи Мукаррамага чиқиб кетишни хоҳлаганлар қуёш ботишидан олдин тош отиб бўлиб, Минодан чиқиб кетишлари мумкин. Тошларни тиқилинч туфайли ота олмаганлар кечаси бўлса ҳам отиб, Минодан чиқиб кетиши кароҳиятсиз, жоиздир. Бироқ бепарволик қилиб, тош отишга кечикиш ва шунинг учун тошни кечаси отиб, Минодан чиқиб кетиш макруҳдир. Лекин шунда ҳам ҳеч қандай каффорот лозим бўлмайди. Узрли сабаб ёки тиқилинч туфайли зулхижжаканинг ўн учинчи куни субҳи содигидан аввал шайтонга тош отиб, Маккаи Мукаррамага чиқиб кетилса, кароҳиятсиз дуrust бўлади.

Агар ҳожи ўн учинчи куннинг субҳи содигигача Минода қолиб кетса, бу куннинг тошини ҳам отиш лозим бўлиб қолади. Ўн учинчи куннинг тошини отиш ҳам заволдан кейин бошланади. Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайх)нинг фикрларига кўра заволдан олдин тош отиш жоиз бўлса-да, макруҳдир. Ўн учинчи куннинг қуёши ботгач, шайтонга тош отиш вақти батамом тугайди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР  
РЎЙХАТИ**

1. А.Мансур. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Т. 2016.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. – Покистон: “Алтоф эйн санз”, 2008.
3. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. Жомиъ ат-Термизий. – Покистон: “Алтоф эйн санз”, 2009.
4. Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас Сижистоний. Китоб ас-сунан // Муҳаммад Аввома таҳқиқи. – Макка: “ал-Мактаба ал-маккия”, 1998.
5. Абдулҳамид Маҳмуд Тоҳмоз. Ал-Фикҳ ал-ҳанафий фи савбиҳи ал-жадид. – Байрут: “ад-Дор аш-шомия”, 2009.
6. Алоуддин Ҳаскафий. Дурр ал-мухтор. – Байрут: “Дор ал-кутуб ал-илмия”, 2002.
7. Алоуддин Косоний. Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ. – Қоҳира: “Дор ал-ҳадис”, 2003.
8. Бадриддин Айний. Ал-Биноя фи шарҳ ал-Ҳидоя. – Байрут: “Дор ал-фикр”, 2009.
9. Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя // Абдулҳай Лакнавий таҳқиқи. – Карабий: “Идора ал-Куръон”, 1997.
10. Ибн Обидин. Раддул муҳтор. – Риёз: “Оlam ал-кутуб”, 2003.

## МУНДАРИЖА

### I. Ҳажнинг фазилати ва ислом динида тутган ўрни

Ҳаж ибодатининг ислом динида тутган ўрни .....	3
Ҳажнинг фазилати.....	6
Ҳажнинг турлари .....	11

### II. Ҳажнинг вожиб бўлиши ва унинг руқнлари

Ҳажнинг вожиб бўлиш шартлари.....	17
Ҳаж ибодатини адо қилишга қўйилган шартлар ..	19
Ҳажнинг фарзлари.....	23
Эҳром ва унга тегишли масалалар .....	24
Талбия лафзи ва унга тегишли ҳукмлар .....	27
Эҳромда ман қилинган ишлар.....	32
Арафот масалалари .....	40
Муздалифага оид масалалар.....	43
Мино масалалари.....	45
Тавоф масаласи.....	49
Ҳажнинг вожиблари .....	66
Сафо ва марва орасида саъй қилишга доир муҳим масалалар .....	80
Саъй вақтида талбия айтиш .....	84
Саъйни марвадан бошлаш ботил .....	84
Саъйнинг вожиблари.....	86
Саъйнинг суннатлари.....	87
Ҳажнинг суннатлари .....	88
Замзам суви масалалари .....	90
Умра.....	94
Умра ибодатининг фазилати .....	95
Умра амаллари.....	98
Умранинг каффороти.....	99
Рамазон ойида умра қилиш .....	100

### Иловалар

Ҳаж ва умра ибодатининг жадвали .....	102
Ҳажнинг беш куни .....	106
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	110

А. Аллокулов

**ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ:**

**ХАЖ**

Тошкент ислом университети  
нашиёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2017

*Ношир:* Саидафзал Санджалолов

*Муҳаррирлар:* Сарвар Очилов,  
Одина Эргашева

*Мусаҳҳих:* Тўлқин Норматов

*Бадиий муҳаррир:* Файзулло Собиров

*Саҳифаловчилар:* Лутфулло Абдуллаев,  
Шахло Ҳикматова

*Матн терувчи:* Зулфия Алимова

Нашриётнинг гувоҳнома рақами  
AI № 224. 2012 й. 16 ноябрь.

Босмахонага 04.10.2017 йилда берилди.

Бичими 70x90  $\frac{1}{32}$  Шартли б.т. 6,5. Нашр т. 6,7.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 61.

Баҳоси шартнома асосида.

Тошкент ислом университети нашиёт-матбаа  
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.